

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК _____

Ибодуллаева Малика Баҳром қизи
Хоразм адабий муҳитида Навоий анъаналари
(Нишотий)

5A220101 – Адабиётшунослик
(тиллар ва тадқиқот йўналишлари бўйича)

МАГИСТР

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

доц. Р.Зоҳидов

Тошкент – 2014

Мундарижа:

Кириш.....

I боб. XVIII аср Хоразм адабий муҳити ва Нишотий.

1.1. Адабий муҳит ҳақида умумий маълумот. Нишотий – даврнинг етук ижодкори.....

1.2. Нишотий асарлари талқинлари.....

II боб. Нишотий лирикасида Навоий анъаналари.....

2.1. Навоийгазалларига ҳамоҳанглик (мавзу, образ, бадиият).....

2.2. Нишотий - Навоий бадиий тафаккурининг давомчиси сифатида (мухаммаслар мисолида).....

III боб. Нишотий эпик шеъриятида Навоийга издошлик.....

3.1. “Ҳусн ва Дил” достонида Навоий қарашлари билан муштараклик ва ўзига хослик.....

3.2. Достондаги масалларда Навоий тилга олган инсоний хислатлар талқини

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ягона Ватанда бир тан-у жон бўлиб яшаш, инсонларнинг бир-бирини қайси ҳудудда яшашидан қатъи назар тушуниши, бир адабий тилда сўзлашиши, аجدодларимиздан мерос бўлиб келаётган анъана ва қадриятларни ҳурмат қилиш ва ўсиб келаётган авлодни ҳам ана шу руҳда тарбиялаш Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояларининг амалга ошишида муҳим аҳамият касб этади. Бу хусусида Юртбошимизнинг : “Биз Ватан туйғусини мана шундай яхлит ҳолатда, яъни дунёда ягона ўзбек миллати бор, хоразмлик, фарғоналик, сурхандарёлик ўртасида ҳеч қандай миллий фарқ йўқ, уларнинг барчаси ўзбек халқининг фарзанди деб англашимиз, ёш авлодимизни айнан шу руҳда тарбиялашимиз зарур”¹, деган фикрларини эсга олиш жоиз.

Ўзбек тилининг тараққий топишида эса буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг ўрни қандай бўлганини эса ҳеч кимга сир эмас. Ўз давридаёқ унинг асарларига жавобан асарлар дунёга келгани ва бугунги кунгача Навоийнинг адабий мероси қанчадан -қанча ёзувчи ва шоирлар учун илҳом булоғи бўлиб қайнаётганини биламиз. Демак, бу буюк дарёдан қайси ҳудудда яшашидан қатъи назар бутун ўзбеклар сув ичган. Буюк Навоий даҳосини, унинг ўзидан кейинги шоирларга баракали таъсирини ўрганиш адабиётшуносликнинг ҳам долзарб масалаларидан биридир. Зеро, адабиётшунослик фанида эътироф этилганидек, бу кўп қиррали ижод ҳозиргача маҳорат мактаби, бадиий санъаткорлик намунаси бўлиб келмоқда. Хусусан, Навоийнинг ҳаётбахш ва ҳайратомуз анъаналари, бошқа шоирлар учун чиниқиш ва илҳом манбаидир. Бу чашмадан баҳраманд бўлган, файз топган шоирлар силсиласида хоразмлик ижодкорлар алоҳида ўрин тутади. 16 асрдан, хусусан, 16 асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Навоий ижодига қизиқишнинг ниҳоятда кучайиши

¹Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т: “Маънавият”, 2011.Б-91

натижасида Хоразмда Навоий мактаби вужудга келди. Бу мактабнинг таниқли вакилларида бири Нишотийдир.

Маълумки, ўзбек мумтоз адабиётида ворисли, анъанавийлик устувор тамойилдир. Бу ҳол адабиётнинг нуқсони эмас, балки ўзига хос хусусиятидир. Бинобарин, анъанавийлик биқик ҳодиса бўлмай, унинг бағрида янгилик ҳам, маҳорат ҳам воқе бўлади, такрорийликдан ўзига хосликка, эргашишдан мустақил ижодийликка, оригиналликка борилади. Бу фикрнинг ёрқин ифодаси Навоий ижодига, унинг анъаналарига суянган шоирлар асарларидир. Нишотий ҳам шундай ижодкорлардан бири бўлиб, унинг Навоийга издошлиги лирикаси ва “Ҳусн ва Дил” достонида ёрқин ва камровли акс этди. Буюк шоирнинг “Ғазалиёт ва мухаммасоти Нишотий” девонига ҳамда “Баёзи мутафаррика”, “Баёзи мажмуаи ашъор” тўпламларига кирган шеърлари мисол бўла олади.

Навоийга издошликнинг шеъриятдаги ифодаси Нишотий лирикасида аввало, инсонни, ҳаётни улуғлаш, олижаноб фазилатларни тарғиб қилишда кўринади. Бу хусусият шоирнинг ижтимоий-фалсафий ва ишқий мавзулардаги қарашларида акс этади. Шогирд устоз фикрларидан рағбатланар экан, оламни илоҳий (ҳақиқат) ва дунёвий (мажозий) англашга интилади ҳамда реал воқелик ва инсонни тасвирлашга аҳамият бриши билан бирга ҳаёт ҳақидаги фалсафий қарашларини ҳам илгари суради.

Нишотий ижодида Навоий анъаналари жанри нуқтаи назаридан икки йўналишда зоҳир бўлади.

1. Лирик шеъриятида.

2. Эпик шеъриятда (“Ҳуснудил ва Фуод”) достонида.

Биринчи йўналишдаги асарлар асосан, ғазал ва мухаммас бўлиб, мумтоз поэзиянинг юксак намуналаридир.

Шоир лирик меросида салмоқли ўрин тутган ғазалиётида Навоийдан баҳрамандлик қуйидаги шаклда кўзга ташланади:

а) устоз ғазалларига татаббуъ қилиш;

б) ғазалларга мухаммас боғлаш.

Татаббуъ ғазалларда, ҳам маъно, ҳам шаклий ўхшашлик етакчилик қилса, иккинчисида мазмун айнан ёхуд яқинлиги сақланган ҳолда бошқача вазн ва радиф қўлланилади. (“Ҳайратул-аброр” ва “Ғазалиёт”даги айрим намуналарда).

Нишотий Навоийнинг 15та ғазалига мухаммаслар битиб, бу борада ўз маҳоратини намоиш этди. Бу мухаммасларда, табиийки, ишқ ва ижтимоий масалалар асосий мавзудир. Уларда шоир буюк устозга жўровоз бўлиш билан бирга, унинг фикрларини янгича шароитда давом қилдирди, ўз истеъдодини синаб кўрди.

Нишотийнинг Навоий анъаналаридан илҳом ва файз олганлиги “Ҳуснудил ва Фуод” достонида қамровли намоён бўлган. Бу хусусият куйидаги ҳолатлар билан асосланади:

1)шоир асар муқаддимасида дostonни бошқа ҳамсанавислар, аввало, Навоийнинг “Ҳайрат ул аброр” достонига жавобан ёзганини таъкидлайди ва иккала дostonда кўплаб яқинликлар мавжуд;

2) “Ҳуснудил ва Фуод” дostonи ва “Фарҳод ва Ширин” дostonи ўртасида кўплаб яқинликлар мавжуд;

3)шоир мажозий-аллегорик образлардан фойдаланишда ҳам Навоийни ўзига пир, ўрнатқ деб билган. Чунончи, дostonга илова қилинган “Қушлар мунозараси” таркибидаги масаллар устознинг “Лисон ут-тайр”асаридаги қушлар образларини эсга туширади.

Умумий шарҳ руҳидаги фикрларимиз Нишотий ижодида Навоий анъаналари масалаларини чуқур руҳ, матн таҳлилида қиёсий-типологик ўрганишни тақозо этади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Муҳаммадниёз Нишотий (таваллуд ва вафоти саналари номаълум) ҳаёти ва ижоди фанда бирмунча ўрганилган. Бу борада В.Абдуллаев, Ю.Юсупов, М.Солаева, М.Қосимова, Р.Мажидий, Н.Қобулов каби адабиётшунослар тадқиқот ва мақолалар яратганлар. Уларда Нишотий адабий мероси, шоирнинг давр адабий муҳитидаги ўрни хусусидаги фикрлар баён этилган. Шунингдек, шоир

ижодини муайян йўналишлар бўйича янада кенгрок ва чуқуррок ўрганиш зарурлиги таъкидланади. Шу йўналишлардан бири Нишотийнинг Навоийга издошлиги, устоз анъаналарига муносабатидир. Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида бу давргача бўлган илмий таҳлил ва тадқиқотлар синчковлик билан ўрганилди.

Нишотий ижодида Навоий анъаналари масалаларини чуқур рух, матн таҳлилида қиёсий-типологик ўрганишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. аниқлаш учун қуйидаги вазифаларни тадқиқотимиз олдиға қўйдик:

- Навоий ва Нишотий асарларини ўрганиш;
- мазкур асарлар юзасидан эълон қилинган мақолаларни таҳлил қилиш;
- асарларда тарихий шароитнинг бадиий талқинини ўрганиш;

Тадқиқотнинг манбаи. Диссертация учун Навоийнинг “Хамса” ва Нишотийнинг “Хусн ва Дил” китоблари манба қилиб олинди.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва ёзилиш усули. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг миллий мафкура, маънавият ва маданий қадриятларга бағишланган асарлари, адабиётшунос олимларимизнинг назарий мулоҳазалари мазкур диссертациянинг методологик асосини ташкил этади. Тадқиқотда қўйилган масалаларни ҳал қилишда адабий таъсир масаласи асос қилиб олинди ҳамда шунга оид қарашларга мурожаат этилди. Воҳид Абдуллеав, М.Қосимоваларнинг тадқиқотлари диссертация учун назарий-метадологик асос вазифасини ўтади.

Диссертацияни ёзишда структурал, қиёсий-типологик методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Навоий ва Нишотий ҳаёт-ижод йўли ўрганилган. Аммо, Нишотийнинг Навоийга издошлиги махсус тадқиқ қилинмаган. Бизнинг ишимиз бу борада янгилик ҳисобланади.

Тадқиқотнинг эълон қилинганлиги. Мавзу бўйича “Адабий жараён” тўпламининг 2014 йилги сонида мақола чоп этилган. Кейинги “Ҳусну Дил ” ва “Хамса” асаридаги муштаракликлар” деб номланган мақоламиз нашрда.

Тадқиқотнинг таркиби. Диссертация кириш, ҳар бири уч фаслни камраб олган уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 73 саҳифани ташкил этади.

I боб. XVIII аср Хоразм адабий муҳити ва Нишотий

1.1. Адабий муҳит ҳақида умумий маълумот. Нишотий – даврнинг етук ижодкори

XVIII аср Хоразм адабий муҳити ҳақида гапиришдан олдин аввало, адабий муҳит нима? – деган саволга жавоб беришимиз ўринли бўлади. Адабий муҳит тушунчасига “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да шундай жавоб берилади:

“Адабий муҳит – ижодий муҳит. Муайян жойда яшаб ижод этган йирик шоир ва адиблар таъсирида юзага келади.²”

Адабий муҳит бирикмасидаги адабий сўзи “адабиётга оид”, муҳит сўзи эса арабча “океан”, “уммон” маъноларини англатади³.

Адабий муҳитнинг юзага келиши йирик ижодкорлар фаолияти, улар яратган ижодий мактаблар билан боғлиқ. Адабий муҳит таркибининг ўзида бир неча оқим ва йўналишлар бўлиши мумкин. Адабий муҳитларда эътироф этиладиган шоирлар албатта, ўз давридаги ижодкорлардан, замондошларидан ижодий алоҳидалиги, бадиий фикрлаш тарзи билан ажралиб туриши қайд этилади.

Адабий анъана хусусида гап кетганида эса, дунёни баддий тафаккур қилиб идрок этиш, билиш соҳасида даврдан даврга, авлоддан авлодга ўтиб келган адабий тажрибалар: эстетик қарашлар, тасвирий воситалар, тилдаги образлилик, эмоционаллик ва бадиий ранг-баранглик назарда тутилади. Ўтмиш ёзувчиларининг иод тажрибасида синалган, устувор ва муқим ҳоявий ва бадиий бойликларини ёш бўғин ўз даври ва талабига кўра қайта ишлаб, ижодий ривожлантиради. Адабиёт ва санъатда анъана тарихий ҳодиса бўлиб, муайян давр ижтимоий-бадиий хусусиятларини акс эттиради. Ўзбек адабиёти эскирмаган, замон синовидан ўтган, барҳаёт, илғор анъанага суянади. Илғор адабий анъана ҳамма вақт новаторликка

²Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1-жилд, 124-бет

³Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2-том.

чорлайди. Бинобарин, анъана ва новаторлик орасида мантикий боғлиқлик бор. Уларни бир-биридан ажратиб тасаввур қилиб ҳам бўлмайди.

XVIII аср Хоразм адабий муҳити ҳақида тўхталсак, бу даврда Хоразмда Равнақ(1725-1805), Муҳаммад Тохир Хоразмий, Муҳаммади Хоксор, Насимийнинг ғазалларини ўзбек тилига таржима қилган машҳур Андалиб(1710-1770), Восифийнинг “Бадоеъ ул- вақоеъ” асарини форсийдан таржима қилган, ўзбек ва форс тилларида баравар ижод этган Диловархўжа, Навоийнинг “Хамса”сидаги дostonларнинг насрий вариантларини яратган Умар Боқийлар эдилар.

Паҳлавонқули Равнақ ўзи яшаган давр Хива хонлигининг иқтисодий-сиёсий тушкунлиги, қўнғиротлар сулоласи тахтга келгунга қадар бўлган вайронагарчиликларни ўз ижод намуналарида акс эттирган эди. Жамиятни тобора эгаллаб олаётган тушкун кайфият ва ночор халқ аҳволи хусусда Равнақ шундай ёзади:

“Чархи носоз била мумкин эмас созишимиз...

Бўлмади қайғудин озод ҳануз хотиримиз...

Оҳ ким мен чекмаган даврон жафоси қолмамиш...

Эй бахт, қачон бир кун ҳолим сўра келгайсен...

Равнақо, ғамхонаи ҳижронда қолдим хор-у зор,

Қайда бир ҳамдардким, қилсам ғамимни ошкор...”⁴

Аммо, бу даврда ҳукмдорлик қилган ҳамма хонларни ҳам қоралаб бўлмайди, албатта. Хусусан, Равнақ Абулғозини Хусайн Байқарога тенглаштирган эди:

“Ҳамоно даҳр аро Султон Хусайни соний ул эрди,

Суҳанрасликда андоқ нуктадон топпадим ҳаргиз”⁵.

Равнақ Навоий изидан борган, унинг ғояларини ўз фикрлари билан давом эттирган шоирлардан эди.

⁴Абдуллаев Воҳид, Ўзбек адабиёти тарихи, Тошкент: “Ўқитувчи”, 1967йил, 175-бет

⁵Абдуллаев Воҳид, Ўзбек адабиёти тарихи, Тошкент: “Ўқитувчи”, 1967йил, 177-бет

XVIII асрнинг 40-йилларига келиб Хивага Эрон кўшини, унинг бошғиғи Нодиршоҳ кириб боради. XVIII асрнинг 70-йилларигача ҳокимият тепасига келган 30дан ортиқ ҳукмдорларнинг биронтаси мамлакатдаги вазиятни ўнглай олмайдилар.

Ана шундай бир қийин ва мураккаб даврда Умар Боқий каби адабиёт аҳллари Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Жомий, Навоий, Фузулий сингари забардаст шоирлар ижодини ўрганишга иштиёқ билан киришиб кетдилар. 1798-йилда Муҳаммади Хоксор “Мунтахаб-ал-луғот” асрини ёзди. Мазкур луғатда Навоийнинг ўзига устоз деб билган шоирлари, шогирдлари ҳамда Навоийнинг ўз асарларидан диққатга сазовор ва XVIII аср учун мавҳум бўлган сўзлар изоҳланади. Муаллиф Навоийнинг барча асарларидан мисоллар келтиради. Хоксор ўз даврининг етук ижодкори ва ўзбек адабиётининг йирик намояндаси Мунисга устозлик қилган эди.

“Мунисул-ушшоқ” девонида шоирнинг сўз санъати борасида Алишер Навоийни пир билиб фахрланишига доир бир қанча байтларни кузатишимиз мумкин:

Сўз ичраки Навоий жаҳонгирдурур,
Мунисга маоний йўлида пирдурур
Йўқ ғайрият ондин бериким айтурлар,
Бул – Шермуҳаммад, ул – Алишердурур.

Шубҳа йўқки, XVIII-XIX аср ўзбек адабиётида Алишер Навоий ижодий меросидан баҳра олиб асар ёзмаган ижодкорнинг ўзи йўқ. Бу эса Хоксор яратган “Мунтахаб- ал-луғот”нинг ҳам қўлма-қўл ўқилгани, унга қўплаб мурожаат қилинганлигидан дарак беради.

Мунис ижодига назар ташласак, ўз даврида Навоий томонидан ўртага ташланган, мавзу қилиб кўтарилган масалалар Мунис ижодида ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Мунис ҳам Навоий изидан бориб, яхшилику-ёмонлик, эзгулик ва ёвузликни таърифлайди. Улар орасидаги кураш яхшилик, эзгуликнинг ғалабаси билан ниҳоя топишига астойидил ишонади. Инсонпарварликни улуғлайди ва унга зид бўлган иллатларни

коралайди. Мунис инсонлардаги камтарлик, мансабпарастлик, дилсўзлик, бадбинлик, некбинлик, покизалик, ҳаром-ҳаришлик, нодонлик, жаҳолатпаастлик, донишмандлик, маърифатпарварлик, хуллас, бир-бирига зид бўлган, бир-бирини итарувчи деярли барча иллат ва фазилатларни ўзаро қарама-қарши қилиб тасвирлайди.

Навоийнинг “Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз” ҳикматига ҳамоҳанг тарзда Мунис тил ҳақида, сўз ҳақида ўз ижодида бодма-бод такрорлади, бетакрор фикрларини назмга солди:

Ханжар ила захм сол валекин

Тил бирла еткурмагил жароҳат.

Кўнгил поклиги, ундан ёмон ҳаёлларни нари тутиш ҳақида:

Асра кўнгилни, ёмон феълдин, яхшилик эт,

Ким қилур кўрганини элга намоён кўзгу.

Ғоявий йўналишнинг ҳар тарафлама Навоий давомчиси бўлган Мунис бадий маҳорат кўрсатиш борасида ҳам Навоий изидан борди.

Бевосита Хоразм адабий муҳити билан алоқада бўлган туркман адабий муҳити ижодкорлари ҳам Навоийга эргашганлар. Хусусан, Озодий “Ҳайратул- аброр” достонидаги илм ва илм аҳли, адолатли шоҳ, сўзнинг аҳамияти ҳақидаги шеърларида Навоий фикрларига ҳамоҳанг фикрлар билдирди:

Ҳар кишиким ўт ёқар – ўзи пишар,

Қазса ҳар ким чоҳ – анг ўзи тушар.

Буюк туркман шоир Махтумқули эса:

Домангирда юрган устоз Навоий,

“Чор девон”и “Фарҳод-Ширин” зубойи,

Зоҳириддин Бобир мезонал ойи,

Қошларина бориб мен Мажнун бўлсам!

Андалиб эса Навоий ғазаллари асосида муҳаммаслар ёзиб, буюк ижодкор фикрларини давом эттирган:

Бу чархи кажнинг шеваси, макру, фусундир лўъбаси,

Тазвир эрур иши бaсe, алдарға кўпдур хийласи.
 Бeхуда эрмас нoласи, йўқ Андалибнинг кулбаси,
 Бордур Навoий бeкaсe, ишқ ичра андоқким хaсe,
 Кўп ўртадинг, они бaсe, куйдурма дўзахда яна.

Айтиш жоизки, Навoийнинг “Яна” радифли ғазалига Равнақ ҳам жавобан ғазал ёзган эди.

Шoир Ғoйиб эса Навoийнинг девонларини назарда тутиб иш кўрган эди. Унинг ижодида Навoий қўллаган радиф, кофиялар кўплаб кузатилади.

Нишoтий ҳам ушбу даврда яшаб ижод этган йирик намоянда ҳисобланади. Унинг асл исми Қoзи Муҳаммадниёз Нишoтий бўлиб, айнан яшаган йиллари маълум эмас. Нишoтий ҳаётининг кейинги даврлари, айти ижодда бaлoғатга етган даври Бухоро тупроғида кeчади. Аммо, яратилган тазкира ва баёзлардан шу жумладан, Нишoтийнинг ўз асарида тилга олинган Хоразм ҳақидаги мулоҳазалардан ҳам англашимиз мумкинки, Нишoтий XVIII аср Хоразм адабий муҳитининг атоқли вакилларида бири бўлган. Нишoтий ўзининг Хоразмдан эканлигини қуйидаги мисраларда ифодалайди:

Бор эди Хоразм диёри ерим,
 Ондин эди яхши-ёмон гуҳарим.

Шундан кейинги мисраларда Нишoтий Хоразмнинг гўзал табиати, ёқимли об-ҳавоси, хушманзара жойлари ҳақида меҳр тўла сўз юритиб, “жаннатмисол” диёрининг олимлар ва шоирлар маскани эканлигидан фахрланади. Аммо, кейинчалик Бухоро тупроғига келгани ва бу ерда хор бўлганлигини билдиради. Нишoтийнинг хоразмни ташлаб келишига сабаб ҳам асари “Ҳусну Дил”да баён қилинади. Мамлакат бошига қoра кунлар келганлиги, солиқ ва бoжларнинг кўпайиб кетганлигидан ихрож қилишдан ўзга иложи қoлмаганини билдиради шоир. “Ҳусну Дил” асарининг сўнгида ҳам биографик маълумот келтирилади:

Мунча бирла доғи бор эдим ғариб,
 Мулку диёримдин эдим бенасиб,

Ноне учун иш манга афғон эди,
 Қуту ғизо жоним учун қон эди.
 Топсам эди чошт агар нони хом,
 Ўзни гумон айлар эдим шоҳи Шом...
 Ҳар не ямон бор эса ондин ямон,
 Бор эди ҳолим манинг эй, нуктадон

Демак, Нишотий шундай қашшоқликда умр кечирадиги, у бир бурда нон топиб ейишини ўзининг Шом (ҳозирги Сурия) мамлакатининг шоҳи бўлишига қиёслайди.

Нишотий умрининг кўп қисми ўқилмаган китобдек гўё. Нишотий яратган ижод намуналарини кўздан кечириб, шуни айтиш мумкинки, бу ижод маҳсуллари унинг ижодини ҳаммаси эмас.

Нишотий, аввало лирик шоирдир. У ўз давридаги ва ўзидан олдин яшаб –ижод этган шоирлар ижодини мукаммал ўрганган. Нишотий шеър ёзишни Хоразмдалиқ давридаёқ бошлаган. Шу жумладан, шоир мухаммасларининг кўпчилиги Хоразмда яратилган бўлиши ҳам мумкин. Чунки эътибор бериб ўқилса, мухаммасларда ижтимоий тушкун кайфият деярли сезилмайди. Нишотий ғазал, мухаммас, мусаддас, қасида каби жанр ва шакллардан фойдаланиб ўзижод намуналарини яратди.

Нишотий ўзининг шеърларида инсоннинг олижаноб ва энг инжа туйғуларини, ишқни алоҳида меҳр билан тараннум этди. Нишотий ўз ижодида инсоний кечинмалар, фазилат ва ҳислатлар билан биргаликда замонаси ҳақидаги фикрларни билдирди, тўғрироғи, асарлари замирига сингдириб юборди.

Муҳаммаднийёз Нишотийнинг бизгача етиб келган шеърлари, “Ҳусн ва Дил” достони унинг ўз замонасида энг истеъдодли сўз санъаткорларидан бири бўлганлигидан далолат беради.

Навоий, Фузулий ғазалларига боғлаган мухаммасларида нишотий устозларига муносиб етук шоир эканлигини кўрсатади.

Нишотий бир дўстининг маслаҳати билан ўз асари, яъни “Ҳусн ва Дил”ни ёзишга киришади. Бундай катта асарни ёзиши учун шоир ўзидан олдин ўтган улкан сўз санъаткорлари асарларидан баҳра олган бўлиши, албатта табиий эди:

Гулшани қудсий аро бўл андалиб,
 Бўлма бу маъво сари эмди қарийб,
 Хисрав ила шайх Низомийни кўр,
 Мир ила ҳам Ҳазрати Жомийни кў,
 Тўрттови тўрт боғ ила бўстон нишон –
 Айладилар қилгани анда макон.
 Чекди алар меҳнат ила дарду ранж,
 Топди анинг ҳар бириси “Панж-ганж”

“Хамса” яратган тўрт устоз орасида, айниқса, Навоий асарларининг маънавий-бадий қуввати ва қудрати шоирни маҳлиё этганлиги билиниб туради. Зотан, мутафаккир шоир Навоий асарларидаги инсонни улуғлаш, ватанпарварлик, дўстлик, муҳаббат, ишонч, камтарлик каби фазилатларни улуғлайди. Нишотий Навоийнинг бадий маҳоратига юксак баҳо бериб, уни ижодда қуёшга менгзайди.

Шоирнинг “Ҳусн ва Дил” асари мураккаб воқеалар, ҳаяжонли ҳодисалар, ҳаётӣ, жонли лавҳалар билан ривожлана боради.

Шоир қаламига мансуб “Қушлар мунозараси” ҳам машҳур бўлиб, бу асар Шарқ адабиётида қадимий анъанага эга бўлган жанрда ёзилган. Бу асар “Ҳусн ва Дил”дан олдинроқ Шаҳрисабз шаҳрида ёзилган, деган таҳминлар ҳам йўқ эмас. Чунки мушоиранинг бошида лайлакнинг Кеш шаҳрига учиб келиб, баҳор фаслининг бошланганлигидан хабар бериши тасвири кузатилади. Шундан сўнг боғда сайр қилиб юрган бошқа қушлар тилга киради. Умуман олганда, бу асарнинг яратилишида ҳам Навоий ижодининг таъсири сезилади. Навоийнинг “Лионут-тайр” асарини эсланг. Мунозарада 14 қуш қатнашади. Нишотий лайлакни мунозарага аралаштирмайди, уни фақат хабар етказувчи сифатида тасвирлайди.

Нишотий лирикада ҳам, эпик шеърятда ҳам Навоийга муносиб издош эканлигини исботлади, шунинг баробарида ўзининг ҳам оригинал асарлар ярата олиш қобилияти ва истеъдоди борлигини исботлади. “Ҳусн ва Дил”асари билан ўз даврида Хоразм адабий муҳиtida эпик шеърятда ҳам ижод қилган ягона шоир сифатида ном қозонди ва ном қолдирди.

1.2. Нишотий асарлари талқинлари

Баҳодир Каримов таъкидлаганидек, “қиёсий адабиётшунослик ҳар бир миллий адабиётни жаҳон адабиётининг ажралмас таркибий қисми сифатида кўради ва таҳлил қилади.”⁶ Айни пайтда устоз фикрларидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, яратилган даврдан қатъий назар бир мамлакат адабиёти тарихини ташкил этувчи ва уни бойитаётган барча адабиётлар миллий адабиётни ташкил этади. Шундай экан, қиёсий-тарихий метод миллий адабиётнинг яхлитлигини ҳам намоён қилади.

Навоий ижодий мероси буюк даҳо яшаган даври ва ундан кейинги ижодкорлар учун ҳам улкан адабий мактаб, қуримас илҳом булоғи вазифасини ўтаб келмоқда. Навоийга эргашган шоирлар кўп. Аммо, чин шайдолик ва ихлос замирида ҳам тақлид эмас, аввало, ўз дардини, қалб изтироб чекаётган муаммоларни, халқ дардини айтиш ўзини ижодкорман, деган ҳар бир инсоннинг кўнглида бўлган. Шоирлар аслида ана ўша дардларни куйлашда Навоий изидан бордилар. Бунинг учун баъзида буюк даҳога тақлидлар кузатилган бўлса, бу ҳам, азбаройи унга бўлган муҳаббатларидандир. Ахир, ҳатто Навоий ҳам ўз вақтида “Мантиқ ут-тайр”га мафтун эди.

Хоразм адабий муҳитида ҳам Навоий изидан борган қалам аҳллари кўп. Улар ижодини ўрганиш, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, фикрлар, қарашлар, ҳатто тилнинг луғат таркиби бир-бирига жуда яқинлигини исботлайди.

Хоразмда Навоий анъаналарини давом эттирган йирик ижодкорлардан бири Нишотийдир. Нишотий эпик шеърятда ҳам, лирикада ҳам Навоийнинг ижод булоғидан илҳом олгани яратган асарларида яққол намоён бўлиб туради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Навоийга эргашган ижодкорларни ўрганганда улар яшаган муҳитни ҳам албатта, инобатга олиш зарур. Қиёсий – тарихий методнинг асосий

⁶Каримов Баҳодир, Адабиётшунослик методологияси, Тошкент: “Мухаррир” 2011 йил, 76-бет.

тамойилларини белгилаб берган олимлардан бири Веселовский адабий ҳодисалар таҳлилида бадиий асарнинг вужудга келишида ижтимоий-иқтисодий шароитни биринчи ўринга қўйган эди.

Нишотий ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганган олим Воҳид Абдуллаев эса жанрларнинг пайдо бўлиши хусусида Веселовскийга яқин фикрлари мавжуд:

“Маълумки, ҳар бир адабий жанр маълум иқтисодий-ижтимоий ва эстетик қараш ва талаблар асосида майдонга келиб ривожланади ва унга юклатилган ғоявий-бадиий нагрузкани бажаради.”

Воҳид Абдуллаев ўз давларида яратилган “Хамса”ларнинг бари ўша давр аҳволини бадиий тарзда акс эттирганига ҳам ишора қилади.

Нишотий яшаган XVIII асрга аҳамият қаратсак, ҳали сиёсий аҳвол ҳам, ижтимоий аҳвол ҳам айтарли даражада эмас эди. Ана шундай бир вазиятда яшаган шоир албатта, “Хамса” анъаналарининг давом эттирган ҳолда 5 китобли муҳаббат достонини ярата олмас эди.

Бу ҳолатни Воҳид Абдуллаев шоирнинг оригиналликка интилиши билан изоҳлайди. Аммо, бизнингча, XVIII асрдаги маънавий ҳаёт ҳам ҳисобга олинса, халқ “Хамса”дек буюк асарни ўқиб ўтиришдан кўра, айна ўша вақтдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётга муносиб баҳо берувчи латифаларни эшитишни хуш кўрган. Шу боисдан ҳам Нишотий шундай бир асар яратиши лозим эдики, унда замонасининг барча иллатлари акс этиши, шу билан биргаликда ўзининг орзу-умидлари ҳам сингдириб юборилиши лозим эди. Натижада, бир дoston дунёга келадики, бунда “Хамса” нинг беш достонидаги хусусиятлар уйғунлашиб кетади. Шоирнинг ўзи асари ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган эди:

Тўрт китоб андаки мазкур эрур,

Хамсалиғ оти бирла машҳур эрур.

Ҳар бирининг аввалида бир китоб –

Бор эдиким, андин эди фатҳи боб.

Бирнинг оти: “Махзани асрори шавқ”,

Ул бириси: “Матлаъи анвори шавқ”.

Ёна бири: “Тухфатул - ахрор” эди,

Бири анинг “Ҳайратул - аброр” эди.

Ман доғи анларға демоклик жавоб,

Истабон айттим бу сўзи иртикоб⁷

Иккинчи бир томондан эса ўз замонасининг қаҳрамонларини шоир рамзий тимсоллар орқали акс эттиради.

Масалан, Ақл образини олайлик. Бу қаҳрамон шоҳ эди, гарчи исми Ақл бўлса-да, бошқаларнинг, хусусан, Ваҳм ва Зарқнинг сўзига кириб иш тутади. Ақл образи орқали Нишотий замонасининг “қўғирчоқ ҳукмдор”ларини қаттиқ танқид остига олади. Ўша даврдаги сиёсий вазиятга эътибор қаратсак, бу асрда Хивада шайбонийхонлар ва 1770-йилдан қўнғиротлар халқни идора қилишган: “...қўнғиротлар фаолияти ҳам бир томондан, бухоролик манғитлар сулоласининг ибтидосига ўхшаб кетади. Яъни, Муҳаммад Амин ва унинг ўғли Аваз (1790-1804) амалий ҳокимиятни қўлда тутган ҳолда хонлик бошлиғи сифатида сохта хонларни эълон қилганлар.”⁸

Шоир XVIII аср ўрталарида бўлган қирғинбарот урушлар оқибатида Бухорога кўчиб кетади ва қашшоқликда умр кечиради. Нишотийнинг айнан яшаб-иждод этган даври ва ўқиган маскани ҳақида маълумот йўқ. Шунини таъкидлаш жоизки, XVIII асрда Хива Ўрта Осиёдаги йирик маданий марказ сифатида қимматини йўқотмаган эди. “Шерғозихон” мадрасаси XVIII асрнинг муҳим маданий ўчоқларидан бўлган. Ажиниёз, Озодий, Равнак, Андалиб, Махтумқули каби ўз даврининг етук иждоқорлари ушбу илм даргоҳида таҳсил кўрган эдилар. Аммо, Нишотийнинг улар билан қилган иждодий алоқаси ёки танишлиғи ҳақида умуман маълумот йўқ. Асарнинг 1771-йилда тугатилганидан билишимиз мумкинки, Нишотий Қўнғиротлар сулоласи Хива тахтини эгаллаши учун

⁷Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967.–Б.39

⁸Азамат Зиё, Ўзбек давлатчилиги тарихи, Тошкент: “Шарқ”, 2001-йил, 288-бет.

бўлаётган урушлар пайтида Бухорога кўчиб кетган. Муҳаммад Амин Иноқнинг Бухородан ёрдам олиши воқеасига аҳамият қаратсак, шоир Бухорога у билан бирга борган бўлиши ҳам мумкин. Демак, Нишотий бу шоирлар Хоразмга келишидан олдинроқ Бухорога кўчиб кетган. Шунга қарамайдан, Нишотий мудом Хоразм ёди билан яшаган:

Токи Бухоро сари қўйдим қадам,
Оҳи бухорийаро бўлдим адам.
Гарчи эрур манзили дилкаш баса,
Лек, мусофирга эмас хуш баса⁹.

Шарқ адабиётида Нишотий таҳаллуси билан ижод қилган бир қанча шоирлар яшаб ўтгани ҳақида маълумотлар бор, лекин уларнинг барчаси форсий тилда ижод қилган эдилар. Нишотий Шерозий, Нишотий Дехлавий, Нишотий Муштарий, Нишотий Исфакхоний, Нишотий Дамовандий, Нишотий Мозандароний шулар жумласидандир¹⁰.

Муҳаммадниёз Нишотий туркий тилда ижод қилган, лекин унинг асарида форсий тилга оид сўзлар ҳамда Бухоро шеvasига доир сўзлар ҳам мавжуд. Бу албатта, шоирнинг Бухорога кўчиб бориб, достонини Бухоро тупроғида яратгани билан далилланади.

“Хуснудил ва Фуод” достониинг яратилиш сабабини Воҳид Абдуллаев шоирнинг Жонмурод исмли дўсти топшириғи билан яратилганлигини таъкидлаган эди. Жонмуроднинг кимлиги ҳақида эса Муниснинг “Фирдавсул-иқбол” китобидан далил келтириб, қуйидагича изоҳ берган эди: “Асарда воқеаларнинг баён қилинишидан маълум бўладики, Жонмурод Иноқ Хива ҳокими Ёдгорхон замонида ҳарбий можароларга актив араллашиб, Бухоро амирлиги мадади билан Ёдгорхоннинг ўрнига Ғозихонни Хива тахтига ўтказишда қатнашган”

“Хуснудил ва Фуод” асарида эса Нишотий дўсти ҳақида:

Зоти анинг қилса нетонг дилни шод,

⁹Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 25-бет.

¹⁰Қаранг: Абдуллаев Воҳид, Сайланма, Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1982, 261-бет

Отини дер чоғда топар жан мурод.

Аммо, асар сўнгида Нишотийга Амин исмли бефарзанд киши ушбу китобни келтириб бергани ва назм билан зеб бергин, дея илтимос қилганини ҳам келтиради:

Оти анинг эрди Амини замон,
 Ондин эди нақши нигини жаҳон.
 Кўнгли эрди маҳзани асрори ишқ,
 Табъи эди матлаъи анвори ишқ.
 Жони анинг нақҳати изҳори шавқ,
 Онда хувайдо эрди осори шавқ.
 Йўқ эди оламари дилбанд анго,
 Нури назар яъники фарзанд анго.
 Бир кун олиб келди мангобир китоб,
 Ҳусну Дил ишқ анго фасли боб.
 Деди: – мунго назм бирла бергил шараф,
 Токи менинг жойима бўлсун халаф¹¹.

“Ҳусну Дил” достонидаги образлар линиясига эътибор қаратсак, улар икки турга бўлинади. Ақлшоҳ мамлакатадаги барча қаҳрамонларга инсонлардаги фазилят ва слбий хислатлар номи қўйилган. Шунинг таъкидлаш лозимки, ижобий фазилят номлари берилган қаҳрамонларнинг кўпчилиги ўз доирасида ўралиб қолган қаҳрамонлар. Масалан, шоҳ Номусни олинг. Назар ундан “оби ҳаёт” ҳақида сўраганида бу сўз оби ҳаёт эмас, “оби ҳаё” эканлигини айтади.

Ишқшоҳ мамлакатадаги қаҳрамонларга назар ташласангиз, уларнинг бари ижобий. Фақат иккита қаҳрамонга Ғам ва Андуҳ номи берилган. Бу қаҳрамонлар эса Ишқшоҳ макон тутган “Қалъаи Дийдор”нинг енгилмас ботирлари эди. Бу образларни Ишқшоҳ мамлакатада тасвирлашдан шоирнинг мақсади — инсон иғво, иккиюзламачилик, ваҳима ичида

¹¹Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 374-бет.

колганида ҳам, ўз шавкатига бино қўйганида ҳам уни инсонийлик йўлига қайтарувчи куч – бу ғамдир. Бинафша образи орқали эса, бу дунёнинг ўткинчилигини унутмаслик, унинг бойликларига ортиқча хирс қўймаслик лозимлигини назарда тутди.

Хусн образи эса халқ оғзаки ижодидан баҳра олиб яратилган. Бу образ шу даражада фаолки, “Алпомиш” достонидаги Барчинни эслатади.

Фуод образи эса кшпгина камчиликлардан холи эмас. Асар қаҳрамонларини кузатиб шундай хулоса чиқариш мумкинки, Нишотий бир тарафда замонаси қаҳрамонларини тасвирласа, яна бир томонда ўзи орзу қилган идеал ҳаётни тасвирлайди. Чунончи, Ишқ мамлакатадаги образларга эътибор қаратсак, хатто Хусн ҳам уруш масаласида кенгашиб тадбир кўриш йўлидан боради. Бир-бирининг тинч кунини кўролмайдиган учала хонлик ҳукмдорларига қарата Нишотий бу образ орқали келишиб, кенгашиб, муроса йўли билан иш тутса ҳам бўлади-ку!– демокчидай гўё.

Ишқ мамлакати гуллар мамлакати эди. Достон сўнгида келтирилган тўй сахнасида гуллар ва чолғу асбоблари мунозараси ўрин олган. Бу мунозараларни таҳлил қилишда ҳам асар мазмунига тўғри келмайдиган фикрлар билдирилади. Воҳид Абдуллаев ҳам, Ҳолид Расулов ҳам бинафша образини салбий образ сифатида талқин қиладилар. Ваҳоланки, достода барча гул образлари ибрат сифатида киритилган. Хусусан, Ҳолид Расул Бинафша образи ҳақида гап кетганда бу образни танқид остига олади: бинафша образида кибру-ҳаволи қора либос кийган нияти бузук, маънавий завқ-шавқдан маҳрум, эл кўзига ўзини билимдон, авлиё қилиб кўрсатадиган риёкор шайхларни шарманда қилади^{12,5}

Бинафша тилидан келтирилган қуйидаги сўзлардан эса бунинг тамоман акси эканлигини кўраимиз:

Жисмим агар тийра булутдек мудом,

Меҳр киби бўлди замирим давом.

¹²Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 12-бет.

⁵ Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 361-бет.

Билдим они даҳр вафосиз эмиш,
 Умр деган асру бақосиз эмиш.
 Онинг учун бўлди либосим қаро,
 Ўлдимۇ ҳам туттим ўзимга азо.
 Ўлмасидан кимки бурунроқ қатил –
 Бўлди топор ўлмоси сари сабил¹³

Бинафшанинг бу сўзларидан кейин шоҳ Фуод ҳам бинафшаранг
 либос кияди:

Шоҳ бу афсунни этиб истимоъ,
 Ақлу хирад хайлига қилди видо.
 Шод ўлубони қилди либосин бинафш,
 Ётмоқ учун хайма палосин бинафш¹⁴.

¹³Расулов Ҳ, Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967,361-бет.

¹⁴Расулов Ҳ, Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967,361-бет.

2.1. Навоий ғазалларига ҳамоҳанглик

Нишотий лирикасида Навоийга ҳамоҳанг фикрлар, буюк шоирнинг фикрларини давом эттириш ва унга эргашиш кузатилади.

Кўзимни этти маскан ул нозанин паризод,
Кўнглимни қилди гулшан, ё каъба қилди бунёд.

Шоир нигоҳи нозанин паризодига тушишини “кўзимни этти маскан” дея ифодалайди. Лирик қаҳрамон ўз маҳбубасини кўрар экан, дили ёришиб, кўнгли гуллар макон тутган гулшанга айланади гўё. Наинки гулшан, ёр бир хиром айлаши билан Каъбани бунёд этишга тенг бир буюк ва муқаддас вазифани адо этди гўё. Бу ўринда ҳазрат Навоийнинг:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин од айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлағай, –

мисралари беихтиёр ёдингизга келади. Демак, ёр кўзларида маскан тутмаса ошиқнинг кўнгли бузилади. Маъшуқасининг нигоҳи мудом ошиқда бўлиши эса, вайрон бўлган Каъбанинг қайта бунёд бўлиши билан тенгдир. Зеро, Аллоҳ ҳам инсон қалбида жилваланади. Ҳазрат Навоий айтганларидек:

Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ андоқки кўнгул каъбаси.
Ким бу халойиққа эрур саждагоҳ,
Ул бири холиққа эрур жилвагоҳ¹⁵.

Демак, бу ғазалида Нишотий Навоийга ҳамоҳанг фикр билдирибгина қолмасдан, ўзининг қарашлари билан уни тўлдирган. Шоирнинг кўпгина ғазалларида образлар ҳам Навоийга муштарак қилиб танланганининг гувоҳи бўламиз. Масалан:

Тўти жоним лаби шаккар мақолинг садқаси,
Булбули руҳим гули боғи жамолинг садқаси¹⁶.

¹⁵Навоий, “Ҳайратул-аброр”, Ғ.Ғулом, 1986, 14-бет

¹⁶Нишотий, 381

Тўти шакарни ёқтиради. Гарчи минг хил сўз ўрганса, минг хил гап эшитса ҳам ошиқ учун маҳбубасининг шакар лабидан айтилган сўздай бўлмайди ошиқ учун. Унинг жони **тўти** янглиғ шакарни, шакар лабни истайди аниқроғи. Худди шу тўти, шакар, **булбул** каби образларни Навоий ижодида кўплаб кузатишимиз мумкин:

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо¹⁷

Айнан бир хил ва бир-бирига ўхшаш образлар иккала ижодкор асарларида учрайди.

Гарчи камдурман итингнинг хоки пойидин юз оч,
Камлигимга, эй пари, қил икки юз бирла карам¹⁸.

Мумтоз шеърятда **ит** образини ҳам кўплаб учратишимиз мумкин. Навоийнинг кўпгина ғазалларида бунинг гувоҳи бўламиз, чунончи:

Бир иёсиз ит бўлиб эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ёрабки ҳаргиз банда султондин жудо¹⁹.

Устоз бу ўринда ўзининг ёрсиз қолишини гўёки эгасидан айрилиш, хўжайинидан, султонидан жудо бўлиш билан менгзайди. Яна бир машҳур ғазалида эса:

Таковорингга бағир қонидин хино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.—

деган эди. Навоий ўзини ёрсиз – хўжайинсиз итга ўхшатган, яна хижрон алаmidан жон риштасидан итингга ип боғла деган бўлса, Нишотий:

Гарчи камдурман итингнинг хоки пойидан юз оч,
Камлигимга, эй пари қил икки юз бирла карам²⁰. – дейди.

Яъни ўзини ёрнинг итининг хоки пойидан ҳам камлмги, паст туришини

¹⁷Навоий “Қаро кўзум”, Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 17-бет,

¹⁸Нишотий, 393

¹⁹Навоий “Қаро кўзум”, Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 17-бет

²⁰Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 393-бет

айтади. Иккинчи маънода эътибор бериб қарасак, шоир мен итинг оёғи остидаги тупроқдан-да паст бўлсам ҳам менга қарам қилиб, саховат қилиб юзингни кўрсат, жамолингдан мен ғарибни баҳраманд қил, дейди. Нишотий Навоий фикрларини давом эттирибгина қолмасдан, уларга янги маъно бағишлайди.

Шоир **ҳарф санъатларидан** ҳам гўзал тарзда фойдаланади.

Масалан:

Икки зулфи “дол”у “лом”идин балои **дил** бўлиб,
Зулфу, қадду қошидин юзланди меҳнат жонга ҳам²¹

“Дол”, “лом” ҳарфларининг шакли биламизки, эгилган, гажакдор бўлиб, сочни эслатади. Адабиётда зулфни бу ҳарфларга ўхшатиш кўплаб учрайди. Аммо, бу ўринда Нишотий бу ҳарфлардан фақатгина ўхшатиш учунгина фойдаланиб қолмасдан, мана шу ҳарфлар иштирокида “дил” сўзининг ёзилишига ҳам эътибор қаратиш вазифасини юклаган. Ёр сочлари шаклидан “дил” сўзи пайдо бўлади. Бу дил ошиқ дилига балодай озор беради, жонни ўртади.

Яна бир ғазалида ҳам

Очғонда “доли” зулфинг, етгач шамоли зулфинг,

Қилди ҳаёли зулфинг торожи дину имон.²²

Яна бир ғазалида **“алиф” ва “нун”** ҳарфларидан гўзал мисраларни барпо қилади:

Қомату қоши “алиф-нун” и эрур жондин зиёд,

Бордур ул **он** бирла **жонон, жоним онинг** садқаси²³

“Алиф” ва “нун” ҳарфларидан “он” сўзи пайдо бўлади. Ўз навбатида шоир анъанавий ўхшатишлардан фойдаланиб, маъшуқа қоматии “алиф”, қошини “нун” ҳарфларига ўхшатмоқда. Эътиборлиси шундаки, бу байтда шакл ва мазмун мутаносиблигини шоир ўзининг бетакрор фикрлари билан таъмин этади. Яъни, “жонон” сўзи таркибида ҳам “он” бўлиб, қаҳрамон

²¹Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967,393-бет

²²Расулов Ҳ. Нишотий.Б-387

²³Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967,380-бет

“он”га, аниқроғи, онга қиёс этилган ёрнинг қомати ва қошига жони садқа эканлигини таъкидлайди.

Шоир яна бир ғазалида “алиф” ва “лом” ҳарфларидан фойдаланиб:
 Қомату зулфинг **алиф-ломики** макру олэрур,
 Бўлсун эй гул, хусн эли макру олинг садқаси, – дейди. Алиф-лом
 Замиридаги қомат ва зулф макрли қизил рангли гулга
 ўхшатиладики, барча хусн элидаги гўзаллар унга садқа бўлса арзийди.

Нишотий “жон” сўзидаги ҳарфларни эса ёрнинг сочи, қомати, қошига ўхшатади:

Зулфингу каддинг, қошинг ҳуруфи эмишжону жаҳон,
 Қил Нишотийға тараххум, садқаи жонинг бўлай²⁴.
 Ёр қоматининг икки тарафидан тушиб турувчи зулфини Нишотий
“лом ва алиф”

Ҳарфларига ўхшатади:
 Зоҳир этиб латофат, кўргузда юз қиёмат,
 Ул икки зулфу қомат **лол** айлади мақолим,
 Бу ўхшашлик натижасида эса “лол” сўзи келиб чиқади.
 Яна бир ҳар санъатидан фойдаланиб ёзган ғазалида эса ёрини
 Жамшидга тенглайди:

Кимки кўрса, “жим”и зулфу “мим”и оғзинг ҳайъатин,
 Ҳуснимулки тахтида дегай сани албатта Жам²⁵.
 Ёр оғзию кўзи, зулфини кўриш учун ўзликдан кечиш керак:
 Топмағунг матлуб кўзу, зулфу оғзидин нишон,
 Ўзлигинг то қилмасанг дасти фано ичра адам²⁶.
 Демак, ўзингни, ўзлигингни фано ичра йўқ деб билмасанг уни
 кўришинг қийин. Демак, у шунчаки мажозий ёр эмас. Шоир бу ғазалиджа
 илоҳий ишқни тараннум этади. Аслида ҳақиқий бўлган мажозий ишқнинг
 бари илоҳий ишқ томон етаклайди. Бир инсон ёди бюилан яшаш, унинг

²⁴Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967,382-бет

²⁵Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967,393-бет

²⁶Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967,393-бет

манфаатларини мудом ўз манфаатларингдан устун қўйиш – алалоқибат ана ўша махлуқни яратган Холиқ ишқига олиб боради.

Бошқа бир ғазалида эса Нишотий ёр сочлари ҳақида шундай фикр юритади:

Сочларинг ториға жон риштасин айлаб пайванд,

Сунбули турраи таррорингга қурбон ўлайин²⁷.

Шунингдек, Нишотий ғазалларидан бирида бетакрор ва гўзал бир ўхшатиш учрайдики, уни келтирмасдан иложимиз йўқ:

Ганжи жамолинг узра афсунгар икки аждар²⁸

Шунингдек, шоир ғазалларида “Хамса” қаҳрамонлари талмих тарзида кўп кузатилади:

Жомаро май кўзгуси ичра юзи аксин кўриб,

Ушбу юздин гаҳ Сикандар, эрдиму гаҳ Жам эрдим²⁹.

Жом ичидаги майда ёр рухсорининг кўриниши Навоийнинг “Бадойиъ ул-бидоя” девонининг илк ғазалида учрашини кўпчилик яхши билади:

Ашрақат мин шамсил-каъси анворул-худо,

Ёр аксин майда кўр, деб жомдан чиқди садо³⁰.

Бу май шунчаки май эмас, у Аллоҳ васлига етказувчи бир воситадир. Бу ғазалнинг кейинги мисраларида янада ойдинлашади:

Жому май гар бўйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур,

Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо³¹.

Шоир ғазалларида халқ оғзаки ижоди дурдоналари ҳам учрайди. Масалан, **“кўзинг ойдин”** олқиш сўзи Хоразмда узоқ ктилган қувончли воқеаларда айтилади ва унга жавобан “ойдинликда бўлсин” олқиши қайтарилади.

Дедимки, шоми ҳижрон тул эрди ҳам қоронғу,

²⁷Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 392-бет

²⁸Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 388-бет
¹⁴Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 394-бет

³⁰Навоий, “Бадойиъ ул-бидоя”, тошкент: “Фан”, 1987, 29-бет

³¹Навоий, “Бадойиъ ул-бидоя”, тошкент: “Фан”, 1987, 29-бет

Дедики: – кўзинг один, топдинг бу тун висолим³².

Навоийнинг:

Навбахор айёми бўлмиш ман диёру ёрсиз,

Булбул ўлғандек хазон фасли гул-у гулзорсиз, -деб бошланувчи

ғазалига ҳамоҳанг тарзда Нишотий:

Бўлди хоки тан куюн ул сарви хуш рафторсиз,

Бўлмағай оламда мендек бахти бархудорсиз,

Бир қуруғон **наълдекким** бўлса баргу борсиз,

Навбахор айёми бўлмиш ман диёру ёрсиз,

Булбул ўлғандек хазон фасли гул-у гулзорсиз,

муҳаммасиниёзадики, бу фикрларни Нишотийга ҳамдард бўлиб худди Навоий айтаётгандек.

Муҳаммасдаги **“наъл”** сўзи Хоразм шевасида бўлиб, адабий тилимиздаги **“ниҳол”** сўзининг ўзгинасидир.

Акси рухсораи соқийму қадах кўзгусида,

Жоми Жамшидму, миротий Сикандарму экан?³³

Нишотий қадах кўзгусидаги ёр рухсори аксини Жамшид жомими ёки Искандар оинасини, дея гўзал таърифлар билан шубҳаланади, аниқроғи ўзига ўзи риторик савол бергандай ўхшатиш билан тасвирлайди. Май қуювчи, илоҳий ишқни кўнгилга солувчи соқий ҳақида Навоий:

Қачон май ичра юзунг акси тушса, эй соқий,

Пиёла даври ўшул ойға ҳола бўлғусидур³⁴, –деган эди.

Навоий ўз ғазалида жуда гўзал ташбеҳ келтиради. Қачонки, соқий юзи пиёладаги майда аксини топса, соқий юзи ойга пиёланинг атрофидаги гирди, давраси худди ой теграсидаги ҳола, гардишга ўхшашини таъкидлайди. Навоийнинг бу борадаги фикрларини Нишотий давом эттириб, унга янги маънолар бераишга ҳаракат қилади. Қадах– у ошиқ

³²Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967,389-бет

³³Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967,398-бет

Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967,398-бет

³⁴Навоий, “Наводир уш-шабоб”,118-бет

калби. Навоий бу ўринда айнан шу маънода “пиёла”ни келтиради. Кўнгилда маъшуқа ишқи мавж урса, ошиқ ой атрофидаги холадек унинг атрофида гирдикапалак бўлади. Нишотий талқинида эса соқий юзининг акси Жоми Жамшиду, миротий Сикандарга қиёсдир. Демак, бу ўринда Нишотий ўзини Искандар оинаси тилсимиға боғланиб қолган Фарҳодга ҳам менгзамокда.

Ҳар иккала шоир ижодида қош, кўз билан боғлиқ жуда гўзал ўхшатишлар кузатилади. Нишотий лирикаси билан ршuftа бўлар экансиз, шоир бу борада ҳам Навоий бадиияти сарчашмаларидан сув ичганлигининг гувоҳи бўласиз:

Қоши меҳробидин айларкўзиким манъи сужуд,

Каъба тоқида сияҳ маст икки кофирму экан?

Нишотий қошни меҳробга ўхшатмокда. Кўзлар эса унга сажда қилишдан бўйин товлагани учун ҳам “кофир”га қиёсланмокда.

Ҳазрат Навоий ҳам қошни меҳробга ташбеҳлаб:

Сажда қилмоқ не тафовут Каъба ёҳуд бутғаким,

Қоши меҳроби қаён қилсам сужуд ўтрудадур³⁵,

– дейди. Сажда қилаётганимда қайси тарафга қарасам ҳам қошга ўхшайди, ёки иккинчи маънодасажда қиладиган меҳробим ҳам қошингга ўхшайди. Шундай экан, Каъба ёки бутга ибодат қилишнинг нима тафовути бор, аввало, кўнгилда ёр ишқи бўлмоғи даркор, –демоқчи шоир.

Навоий ишқўтида ўртанишни дунёнинг барча бойликларидан устун кўяди:

Ишқ ўти бошиға тушканким, ул ўтдин чиқса дуд,

Шоҳ заррин тож ила чатриға не ҳожат анга.

Тож давлат берса ишқ ўтидин, олиб бир шарар

Буки ўртар ўзлугин, етмасму бу давлат анга.³⁶

³⁵Навоий, “Наводир уш-шабоб”, 119-бет

³⁶Навоий, “Наводир уш-шабоб”

Яна бир ғазалида эса кўз ёшларини симобга ўхшатади. Ишқдан етган ғам оқибатида лирик қаҳрамоннинг симоб кўз ёшлари юзларидан оқиб, олтин каби сарғайтирган гўё. Шоир ёр ишқини ал-кимийёга менгзайди:

Симоби ашк тахтида сарғарди оразим,
Олтун киби ғаминг на ажаб кимё дедим.³⁷

Худдики мўрининг ўт ичида ўртаниб куйишидан бошқа нарса тақдирида йўқлиги каби шоир ҳам ўзини ишқ ўтида куйишдан ўзга чораси йўқлигини таъкидлайди:

Кўнглума йўқ чора ўртанмакдин ўзга ишқ аро,
Ғайри куймак мўрнинг ўт ичра не тадбири бор?³⁸

Нишотий эса кўнглига ишқ ўтини ташлаган гўзал жононнинг қошлари ҳақида гапирганда ҳарф санъатидан фойдаланиб, ўзига хос гўзал қиёслар келтирадики, тўхтали ўтмасликнинг иложи йўқ:

Қошинг хаёлибошида гар ўлмас эрса мудом,
Недин Нишотий бошида жо турубдир “нун”

Нишотий лирик қаҳрамони маъшуқасига қарата хаёли мудом унинг қошларида эканлигига ишонтириш учун ўз исмининг бошланиш ҳарфи (тескари айлантириб қаралганда қошга ўхшовчи) “нун”ни далил сифватида келтиради.

Ҳазрат Навоийда ҳам қош нунга қиёсланган. Тишлар ҳақида гапирганида эса буюк шоир ёр тишларини “асал” сўзидаги “син”га ўхшатади:

Нўшханд этганда лаълингдин кўрунмишму тишинг,
Англамон, ёхуд асал ичра ёзилғон «син»мудур?³⁹

“Асал” сўзи бу ерда келтирилаётган фикрнинг шаклий томони холос. Мазмунга эътибор қаратсак, Навоий ёр лабларини асалга, тишларини асал сўзидаги гажакдор “син” ҳарфига ўхшатмоқда.

³⁷Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 416-бет

³⁸Навоий, “Наводир уш-шабоб”

³⁹Навоий, “Наводир уш-шабоб”, 119-бет

Ёр ташки гўзаллигини таърифлашда Нишотий Навоий изидан бориб оригинал ўхшатишлар яратди, бетакрор фикрлар билдирди. Чунончи, унинг бир ғазалида:

Дедим: – “Эй гулрух, юзинг наззора қил ойға боқиб,”

Дедики:– “Кўрмам оразим бу тийра кўзгу била”⁴⁰

Бу ўринда Нишотий ёр гўзаллигини ойга қиёслайди. Аммо бу ташбеҳни чиройли диалог тарзида келтирадики, ўз хуснидан мағрур ёрнинг ўзи ўзини ойга ўхшашига ишора қилади. У шу даражада дилбар эканки, ўз орази олдида ойнинг юзида доғ борлиги билинади, ой унинг учун хира тортган бир кўзгу холос.

Шуни алҳида таъкидлаш жоизки, Нишотий сулув қошлари ҳақида гапирганда, Навоий фикрларига ҳамоҳанг тарзда кўпгина мисоллар келтиради:

Сурмалиғ соҳиркўзинг устида мийнойи қошинг,

Ғамзау хунрез шамшириға ёшил қин эрур⁴¹

Ғазалда келтилишича, ёр қошлари яшилга бўялгани учун яшил қинга ўхшайди. Бу қин ўз ҳимоясда қилич кўзларни сақлайди гўё. Худди шундай ўхшатиш Навоийда ҳам кузатилади:

Вусма бирла қошин ул маҳвашки рангин айламиш,

Кўзи жаллоди қиличиға ёшил қин айламиш.

Демак, кўриб чиқанимиздек, шоир ўз ғазалларида ҳам бадииятда ҳам фикрда даҳо изидан борди. Ёр васли кўнглини ўртаб, илоҳий гўзалликни ўз шеърларида тарннум этди. Аммо, халқ дардидан ҳам зинҳор айро тушмади. У ўз кўнглига, ижодига ошно бўлган ҳар бир ватандошига қарата шундай дейди:

Ҳар тунинг қадр ўлсину, ҳар кунинг Наврузи ийд,

Қилсанг, эй мири жаҳоноро, Нишотийға назар.⁴²

⁴⁰Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967,411-бет

⁴¹Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967,412-бет

23. Нишотий мухаммасларида Навоий фикрларини давом эттирилиши

Нишотий Навоий ғазалларига мухаммаслар битар чоғида ҳам “чашмаи хайвон”ни ёдга олади ва бу сафар уни ёр лаби дея тасвирлайди:

Икки кофир кўзларингдин юз ҳалал имон аро,
Лаъл хандонинг ғамидур дийдаи гирён аро,
Ўйлаким, бўлғай масиҳо чашмаи хайвон аро,
То латофатдин лабинг шавқи тушибдур жон аро,
Гўё ким ул бунға тандур, бу онинг жонидур.⁴³

Бу ўринларда Нишотий ёр лабини гўёки инсонга жон бағишловчи масиҳ, оби ҳаёт дея тасвирлайди. **Кўзлардан имонга ҳалал етишининг икки сабаби бўлиши** мумкин: биринчидан, уларга сурма сурилиб янада қора тусда бўлиши, иккинчидан, Ҳақ уларни шу қадар қора қилиб яратган бўлиши мумкинки, кишини ўша қораликка фарқ қиладиган даражада.

Унинг ёр дийдоридан мудом умидда бўлиш ўйлари Навоийнинг ишқ ҳақидаги фикрлари билан ҳамоҳангдир:

Оразий гар бўлмаса тушсун гулистонимға ўт,
Гулшани кўйидин айру боғи ризвонимға ўт.⁴⁴

Қуйидаги мухаммасда Нишотий Навоийга жуда гўзал тарзда ҳамоҳанг бўлади:

Ранж чекмай топмағунг, ганжи самар эй боғбон,
Очмағай бир шоҳки гул, то кўрмай осибди хазон,
Сабз бўлмас тухм, то тупроқ аро бўлмай ниҳон,
Қайси меҳри тухмини кўнглумда экдим, кўр нишон,
Ҳар сўнғак ёнимда ўрмоққа муҳаббат досидин.⁴⁵

⁴²Расулов х. Нишотий.Б-435

⁴³Нишотий бадиий адабиёт нашриёти,тошкент:1960, Б-49 валижон Мирзаев

⁴⁴Ўша асар Б-52

Навоий ишлатган “тухм” сўзи аслида уруғ маъносини англатиб, бу сўз Хоразмда бугунги кунда ҳам Навоий назарда тутган маънода қўлланади.

Муҳаммасларда муҳаббат изтироблари табиат қонунлари билан солиштирилиб, ёнма-ён тасвирланади. Майса ҳам ерга уруғи тушмаса, униб чиқмайди, мен қандай меҳр уруғини кўнглимга экдимки, суякларимгача ўсиб чиққан, дейди шоир. Яна бир ғазалга боғланган муҳаммасда эса:

Рашкидин дерман бошингга, ой, кун айланмасун,
Кўзгу меҳринг оразинг ўтрисиға юзланмасун,
Қилма рухсоринг намоёнким, жаҳон ўртанмасун,
Чиқма тўкқуз парда кейинидинки, олам ёнмасун,
Олсанг олти банди бурка, қўйғил икки, уч ниқоб.

Бу бандда Нишотий Навоий фикрларини худдики мажозий ишқни тасвирлаётгандек давом эттиради, аммо **тўкқиз буркадан** ҳам англашиладики, бу ерда яратганга нисбатан ишқ тарннум этади. Буни муҳаммаснинг сўнгги бандидан ҳам англашимиз мумкин:

Ваҳ неча ул ой Нишотий, бандасин ёд этмагай,
Кўз учидин гоҳ-гўҳи хотирин шод этмагай,
Йўқтурур бир дамки давр чарх бедод этмагай,
Эй Навоий, гар десангким ғусса барбод этмагай,
Бош кўтарма бодадин, зинҳор андоқ ким ҳубоб.⁴⁶

Одатда ғазалларда инсон кўнглида Аллоҳ жилваланади, кўнгил – Ҳақнинг уйи каби ўхшатишларни кузатамиз. Навоийнинг кўпгина ғазалларида бундай таъкидлар бор. Нишотий Навоийга эргашган ҳолда :

⁴⁵Ўша асар Б-54

⁴⁶Ўша асар Б-56

Улки бордур, меҳри рухсориға кўнглум жилвагоҳ – дея таъкидлайди.

Нишотий мухаммасларида ҳам ўз ҳаёти билан боғлиқ ўринлар кўп. Ҳеч шубҳасиз, ижодкор ҳаётидаги шахсий, ижтимоий воқеаларнинг кўпчилиги ижодга таъсир ўтказиши билан биргаликда ўз аксини ҳам топмасдан қолмайди:

Ҳамраҳим – ғам, мунисим – дарду рафиқимдур ано,

Маҳраммим – меҳнат, шафиқим – марг, ҳамдардим – казо.

Ҳеч шубҳасиз ўз она тупроғини севувчи шоир учун Бухоро юртини макон тутиб, у ерда илдиз отиш осон кечмайди. Бир меҳрибон дўст топиш ҳам қийин эди шоирга уерда. Шунча ташвиш камлик қилаётгндек, шоир лирик қаҳрамони ҳам ўз гўзаллиги билан жонни ўртайди. Худди Нишотий жони ичида ёрнинг қошу-қадди бўй кўрсатади. “Жон” сўзидаги “алиф” ва “нун” эса ёрнинг қоши ва қоматидир:

Тутғоли қад бирла қошинг он то жон ичра жо,

Ҳар саҳий қад жилваси бир сели тўфони бало,

Ҳар ҳилол абрў қоши бир сархати машқи жунун⁴⁷

Бу ўринда Нишотий Фузулий фикрларини давом этиради. Фузулий “жунун” сўзидаги иккита “нун”дан ёрнинг икки қошига ишора қилган эди.

Юзинг қуёши табу тобидин иситмиш билдим,

Ўзимни билмагудек ўздин анда кетмиш эдим,

Битар яранг, деди ҳолинг сўзига тутмиш эдим,

Қошингда холни овозасин эшитмиш эдим,

Бу каъба тоқида ул бир ҳилол эмиш билдим.⁴⁸

Юқоридаги мухаммасда эса “хол” сўзидаги “Хо” ҳарфи қошга ўхшатишмоқда.

⁴⁷Расулов ҳ. Нишотий.Б-432

⁴⁸Расулов ҳ. Нишотий.Б-431

Бошқа бир мухаммасда эса Нишотий Навоий фикрини давом эттириш билан биргаликда бадий жихатдан ҳам бойитади. Навоий дилдор лабларини ҳаёт свига ўхшатган бўлса, Муҳаммадниёз унинг беллари шу даражада нозикки, кўришнинг ҳам иложи йўқ, иккинчи бир маънода эса, ҳаёлга келтириб ҳам бўлмайди, дейди. Маъшуканинг сочи ва қадди шаклига назар солинса гўё “ол” сўзидаги “алиф” ва “лом”ни эслатади. Бу ҳарфларни қўшганда ҳосил бўлувчи “ол”нинг ҳам икки маъноси бор: биринчидан, ол-ҳаракат маъносида, иккинчидан ол рангида. Бу ерда ёр ёноқларига ишора қилинаётган бўлиши мумкин:

Белинг ҳаёлини топмоқ маҳол эмиш билдим,
Қад ила зулф поёми ҳам ол эмиш билдим,
Сўзинга шифта орийки бол эмиш билдим,
Лабинг ҳаёт суйидин зилол эмиш билдим,
Зилоли нуқтаси устида хол эмиш билдим.

Ушбу мухаммаснинг сўнги банди ни шоир шу тарзда ёзадики, Навоий ҳам Нишотий атрофида ёр билан боғлиқ ҳолда содир бўлаётган воқеаларнинг иштирокчисига айланиб қолгандек туюлади гўёки:

Не дй Нишотий мушкин сабоҳ солин,
Бало-у меҳнату шиддатро кўруб ҳолин,
Тасаввур айлабон онинг кўнгилда тимсолин,
Фироқ шомида сўрдим Навоий аҳволин,
Сочинг ҳаёлида ошуфта хол эмиш билдим.

Бу бандда Нишотий дибарини худди Навоий ҳам аниб, унга ошиқи беқарор бўлгандек тасаввур уйғотади кишида.

Бошқа бир мухаммасда Нишотий Навоийни ҳам ўзидек ишқ ичра “ғариб” дея кўрсатади:

Қайда ул бедилға оё сабру орому шакиб,
Азм этиб ғурбатға ул қолса Ватан ичра ҳабиб,
Бору йўқни тарк этиб, бўлдинг Нишотийдек ғариб,
Эй Навоий, белу оғзидин санга йўқду насиб,

Хоҳ пайдо нола қилғил, хоҳ пинҳон йиғлағил⁴⁹.

Нишотий ғазалиётида ҳам, мухаммасларида ҳам аксарият ҳолларда ўзини “Хамса” қаҳрамонларига ўхшатади:

Демас Фарҳод ила Мажнунни мандек ҳар ким ўлса соғ,

Бошимға сочғали йўқ арсаи оламаро тупроғ.

Наинки, Фарҳод ва Мажнунга қиёслайди, балки ўзини ёр ишқида улардан-да девонавор бўлганини таъкид этади. Шоир ўзини шеър, сўз илмини ўрганишга иштиёқманд эканлигини ҳам билдириб ўтади:

Эрмас эдим сўз аҳли сиррини билмакликка воқиф,

Они истаб жаҳон мулкида бўлдим ҳар тараф толиб,

Нишотий Навоийнинг ушбу ғазалига мухаммас битар чоғида ўзи таъкидлаганидек, жаҳон ичра сўз илми сирини билмоқ учун толиб бўлганлигини, ўзига устоз тилаш керак бўлган вазятда эса фақат Навоийни тилашини унинг ғазали мактабидан фойдаланган ҳолда билдирб ўтади:

Нишотий шеъри рангини кўруб бўлди кўнгул хоиф,

Дедим:– назм аҳлининг сир хайликим бўлғай, деди: –

хотиф –навоий бўлғай улким сан тилайдурсан агар бўлғай⁵⁰.

Нишотий устозининг “Айлама” радифли ғазалини ўзига ҳос тарзда Навоий фикрларига жуда яқин фикрлар билан давом эттиради:

Эй қазо лаълидин айру жисмима жон айлама,

Умрим онсиз бир нафас бўлмоқки имкон айлама,

Жону кўнглим мубталои доғи ҳижрон айлама,

Ё раб, ул юзни дами кўзимга пинҳон айлама,

Ё кўзимни андин ўзга юзга ҳайрон айлама.

Гўзал ёрдан айри бўлса, Нишотий лирик қаҳрамони учун яшашнинг ҳам ҳожати йўқ. Навоий бошлаб берган кўзимдан ёр юзини пинҳон айлама ёки ўзга бир гул юзни кўрсатма ҳам, шайдо ҳам этма қабилидаги фикрларни шоир ривожлантириб, ёрнинг лаъли лаби бўлмаса, тирикликка

⁴⁹Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967,430-бет

⁵⁰Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967,427-бет

ҳам эҳтиёж йўқ, – дейди. Нишотий лиик қаҳрамони Навоийдаги образдан фарқли ўлароқ бир нафас ҳам маҳбубасисиз қолишни истамайди.

Гарчи мезроби ҳаводис айлади “Қонун” мани,
Нолаи зор ичра қилди раъддин афзун мани,
Қилди маҳзун кўнглим олиб жон била мамнун мани,
Ул пари ишқи агарчи айлади мажнун мани,
Шукр эрур борики қутқарди хирад васвосидин

Нишотий мухаммасларида Навоий ижодидаги фикрларни ривожлантирар экан, халқ тилидаги мақол ва ибратли сўзлардан ҳам унумли фойдаланади:

Ранж чекмай топмағунг ганжи самар, эй боғбон,
Очмағай бир шох гул то кўрмай осибӣ хазон.

Нишотий ёр гўзаллигини Навоийга ҳамоҳанг тарзда жуда гўзал ифодалайди:

Меҳри оламтоб янглиғ кўргузиб ул ой шитоб,
Чикди шабгун пардадин суръатда андоқким шахоб,
Зоҳир айлаб оташин рухсор уза ҳар ён гулоб,
Топмиш ул юз қатра-қатра ҳуйдин ўзга об-утоб,
Қайда ваҳ-ваҳ мунча кавкаб зоҳир айлаб офтоб.

Навоий ўз ғазалида ёрни офтобга қиёслаган бўлса, Нишотий гўзалини меҳри оламтобга ўхшайдиган ой дкея тасвирлайди. Унинг юзидан ёғилаётган нурга юлдузларонинг чарқлаши-ю офтобнинг нур сочиши ҳам тенг келолмайди. Ёр шу даражада гўзалки, уни бутун оламдан қизғанса арзигудек. Муҳаммаснинг кейинги бандида Нишотий Навоий фикрларини жадаллаштириб юборади:

Рашкдин дерман бошингға ой-у кун айланмасун,
Кўзгу меҳри оразинг ўтрусиға юзланмасун,

Лирик қаҳрамон муҳаббати шундай кучлики, ёрини ойдан ҳам, кундан ҳам қизғанади. Демак, маъшуқа Чўлпон айтганидек, “ойдан-да гўзалдур, кундан-да гўзал”:

Қилма рухсоринг намоён ким жаҳон ўртанмасун,
 Чикма тўккуз парда кейнидинки, олам ёнмасун,
 Олсанг олти-етти бурқаъ кўйғил икки-уч ниқоб.

Навоий лирик қаҳрамони ёри гўзаллигини оламни ёндириб юборгудек тасвирлайди, Нишотий лирик қаҳрамони бўлса, устоз фикрларнинг келиб чиқиш сабабларидан бошлаб, Навоий айтган ҳолатгача ривожлантириб олиб келади. Кейинги бандда ёр чройини далиллаш учун унга далиллар, жумладан, тишлар гўзаллиги тасвирланади. Нишотий ёр тишларини Жайхун ва Дажладаги дурларга муқоясалайди:

Токи ул маҳваш жамолиға кўзимдур интизор,
 Оқизур дур тишлари ҳажрида дурри шохвор,
 Эмдиким бўлмиш бири Жайхун, бири Дажлавор,
 Бир дам ул юз нақш гирён кўзаро топмас қарор,
 Суваро хуршид аксидурки, айлар изтироб,

Навоий дилдор ҳуснини сувда хуршиднинг, яъни қуёшнинг акс этишига ўхшатади.

Кейинги бандда интим туйғулар ижтимоий тус олади. Нишотий Навоийнинг интим лирикасига ҳам ижтимоий оҳанг бағишлайди. бунда албатта, шоир ўз ҳаётидаги изтиробли воқеалардан таъсирланганлиги сезилиб туради:

Нечун этмай чархи кажрафтор алидин додким,
 Ғам уза ғам еткурур, фарёд уза фарёдким,
 Нега ҳасрат ўтиға куймай мани ношодким,
 Сўзи ишқимдин савол этди ул ой фарёдким,
 Юз жавобим боу, йўқ ҳушим демакка бир жавоб.

Чархи кажрафтор тескари айланиб, лирик қаҳрамон бошига мусибатлар ёғдиради. ғам устига ғам, фарёд устига фарёд. Нишотий ҳаётида Хоразмдан кетиши, Бухорода хор бўлганлиги таъсири сезилиб турадиган бу каби фикрлар кўплаб учрайди. Аслида, Навоий ғазалини олам ишидан нола қилмасдан, фақат ёрнинг бепарволигидан норози руҳда давом

эттиради. Яъни, ёр унинг ишқи ҳақида савол берса, юз жавоб келтиришга ҳам ақли етади, аммо дилдорини кўрганида ўзида содир бўладиган беҳушлик бунга изн бермайди.

Ёр эса унинг аҳволидан хабар олишга ҳа ярамайди. Яна бир мухаммасда ҳам Навоийнинг фикрлари ҳамоҳанг тарзда давом эттирилган ва такомиллаштирилган:

Токи бўлдинг оташин рухсора бирла жилвагар,
Кўрғач ўтлуғ оразинг, ёндим, кул ўлдум, сар-басар,
Солди савдойи жунун бошимға юз минг шўри шаър,
Оташин оҳим бирла куйди дилу, жону, жигар,
Олғил, эй номехрибоним, ҳоли зоримдин хабар.

Устоз қаҳрамони оҳидан дили, жону жигари куйганинидан нола қилган бўлса, Нишотий худди мана шу ҳолатнинг сабабини тушунтиришдан мухаммасини бошлайди. У олдинига оташин рухсорли малакни кўзрганлигини, унинг оразидан ёниб кул бўлгани, савдойи жунун бошига юз минг балони солганлигини таъкидлайди. Ана ўшандан сўнг Навоий тасвирлаган ҳолатга етиб келади.

Умуман, Нишотий мухаммасларини ўқиганингизда, худдики, шоир ҳам Навоий билан ёнма-ён юргану, биргаликда ижод қилишгандек туюлади. Нишотий Навоий ғазалларидаги тасвирларнинг сабабларини баён этибгина қолмай, устоз фикрларига ҳамоҳанг тарзда тафаккур қилади ва пировардида ўз ҳаёти-ижоди билан боғлиқ таъсирларни ҳам четлаб ўтмайди. Нишотий мухаммасларини ўқиб шундай хулосага келиш мумкинки, у ўз мухаммасларини ижодининг дастлабки босқичларида яратган. Маълум маънода ижодий комилликка эришиш учун Навоий ғазалларидан илҳом олиб ёзилган бу мухаммаслар бир босқич вазифасини ўтаган.

3.1. “Ҳусн ва Дил” достонида Навоий қарашлари билан муштараклик ва ўзига хослик

Нишотий хоразмлик ижодкор бўлиб, XVIII асрда Хоразмда яшаб ижод этган. У ўзининг “Ҳусн ва Дил” достонини яратишда Шарқда мавжуд бўлган “Ҳусн ва Ишқ”, “Қиссаи Ҳусн ва Ишқ” асарлари сюжетларидан, шунингдек, Фаттоҳий ва Мушфиқларнинг форс-тожик тилида ёзилган қиссаларидан илҳомланиши⁵¹ билан бирга ушбу асар орқали Навоий анъаналарини давом эттирди. “Ҳусн ва Дил” достонидаги бадиий воқелик муаллифнинг ижодий фантазиясини гўзал суратда жонлантирган. Бу ҳолат шаклий жиҳатдан Навоийнинг “Ҳайрат-ул аброр” асаридаги мақолатларида ёритилган мавзуларга муносабатини эслатса, иккинчи тарафдан, мазмунан, Нишотийнинг ўзи яшаган давр, ижтимоий-ахлоқий қарашларнинг зиддиятли моҳиятини акс эттирган.

Нишотий достони билан Навоий кадрлаган инсоний фазилатларни образли тимсоллар орқали очиб берган. Бу жиҳатдан асар ўзбек адабиётининг қадимги намуналаридан бири “Қутадғу билиг”га ҳам ўхшайди. Чунки, мазкур асарда ҳам Адолат, Ақл, Қаноат каби хусусиятлар образ даражасига кўтарилади. Бойлик рамзи ҳисобланган Ойтўлди бўлса асар мобайнида вафот этади. Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” достонида ҳам комил инсон учун энг муҳим нарса, яъни ҳаётда яшаш учун сувдай, ҳаводай зарур нарса нима? — деган муҳим фалсафий савол ўртага ташланади. Саволга асардаги образлар турлича жавоб берадилар. Айни масалага В.Абдуллаев шундай ёндашади: “Биринчи қарашда китобхон достонда бутун воқеалар “оби ҳаёт” афсонаси билан боғланади холос деб ҳам ўйлаши мумкин. Аслида эса шоир назарида “оби ҳаёт” бир баҳона. Достонда тасвирланишича, Дил Ҳуснни севади”.⁵²

⁵¹Қаранг:Қосимова М. Муҳаммадниёз Нишотий, Т: “Фан”,1997

⁵²Абдуллаев В. Хоксор – Нишотий, Самарқанд,1967, 15-бет.

Нишотийнинг “Хуснудил ва Фуод” асари ва Навоийнинг “Хамса” асаридаги ўхшашликларнинг турлилигини инобатга олиб, асарларни қуйидагича қиёсий ўрганиш керак деган хулосага келдик: а) образлар; б) сюжетлар; в) ғоялар ўртасидаги ўхшашликлар.

Достонда шоир назарда тутган “оби ҳаёт” аслида ишқ эди. Токи, севги, меҳр - оқибатнинг қайнар булоғи қуримас экан, ҳаёт гўзаллашаверади. Хусн ва Дил севгиси ҳам осонгина висол топмайди. Бунинг учун қанча машаққат чекилади. Демак, улар ўртасидаги севги ҳам шунчаки муҳаббат бўлиб қолмасдан, мажозий муҳаббат замиридаги илоҳий ишқ эди. Ишқ шунчаки тил учида айтиладиган сўз эмас, у дилингизга чўх солиб, томоғингингизни ҳам ташналик азобида қақратади. Ҳазрат Навоий айтганидек, “Каъбанинг ранги ҳам у туфайли қародир”:

Ишқ не ўт эрдики, қилғоч ҳужум,
Дуду шарар бўлди сипехру нужум.

Пашшадек ул дуддин итти малак,
Чархда фонусдек ўлди фалак.

Ақл жабинида савод этти фош,
Рух кўзидин доғи оқизди ёш.

Дайрда ҳам андин узун можаро,
Каъба либоси доғи андин қаро.

Май ўти бут юзидин урғоч алам,
Куйдуруб ул шулада мусҳафни ҳам.⁵³

Шоир Ишқни улуғлайди. У улуғлаган ишқ ҳам мажозий эмас, илоҳийдир, буни биз достондаги Ишқшоҳ образининг “Қалъаи

⁵³Навоий Ҳайратул-аброр

Бадан”ни эгаллаб, шоҳ Фасод ва Нафсни енгганлигидан ҳам билишимиз мумкин. Шоир ёзади:

Ёраб, этиб Ишқ ила жоним қарин,
Айламагил Нафс ила ҳамнишин.⁵⁴

Асарнинг бош қаҳрамонларидан бири Дилни Нишотий Фуод деб атайди. Фуодни тасвирлашда шоир Навоий тажрибаларидан кенг фойдаланади. Унинг тарбия топиши, ақл-зеҳни “Хамса” қаҳрамони Фарҳодни эслатади гўё. Фуоднинг отаси ҳам фарзандсизлик дардида кийналади. Нишотий бу андуҳни шундай тасвирлайди:

Қон ёш ила кўзлари уммон бўлиб,
Илки онинг панжаи маржон бўлиб.⁵⁵

Ҳазрат Навоий бўлса Фарҳоднинг отасининг дардини қуйидагича тасвирлаган эди:

Не чеккай кўкка бошин тождори
Йўқ эрса бир дур андин ёдгори.⁵⁶

Демак, ҳар иккала асар қаҳрамонлари ҳам узоқ интизорликдан кейин дунёга келган фарзандлар эдилар. Шу боисдан уларнинг тарбияланиши ҳам бир-бирига яқин бўлиши табиий эди. Нишотий асарнинг бу нуқтасида ҳам Навоий анъанасини давом эттирди. Ота-онасинг шунча дуо ва ғам-изтиробларидан кейин дунёга келган Фуод ҳам Фарҳод каби чуқур эътиборда вояга етади:

Қутин анинг шийраи жондин бериб,
Айладилар неки эди тарбият,
Нузҳат анг обиравондин бериб.

Ул доғи юз ончи топиб тақвият. Фуоднинг ақл ва илмда тенгсиз,
зийрак бўлиб камол топгани қуйидаги мисраларда намоён бўлади:

Етти қироатни етти ёшида,

⁵⁴Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 200-бет.

⁵⁵Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 4-бет.

⁵⁶Навоий, Фарҳод ва Ширин, ziyouz.com. кутубхонаси

Қилди аён лаъли гуҳар фошида.

Мушкили илм оллида осон анинг,

Таъби бўлуб шамъи шабистон анинг,

Равшан ўлуб жумла дақойиқ анга,

Зоҳир эди барча ҳақойиқ анга.

Жабҳасида савлати шоҳий аён,

Таъбида асрори илоҳий ниҳон

“Фуод ўзининг кўп фазилатлари билан машҳур Фарҳод, Наврўз, Сайфулмулук образларини эслатади ва уларга яқин туради.”⁵⁷

Фарҳоднинг тарбияси ва зеҳни ҳақида Навоий:

Табию, риёзию, илоҳий,

Бўлуб Юнонда ҳикмат вирди онинг

“Алиф, бе, те”дек оллинда камоҳи.

Арасту бир кичик шогирди онинг.⁵⁸

Достондаги ҳикоятлар орқали ҳам шоирнинг инсоний фазилатлар хусусидаги фикрлари акс этади. У хусусан, одамлардаги мактанчоқлик, кибр-у ҳавони қоралайди.

Асарлардаги кейинги ўхшаш образлар Назар ва Шопурдир. Назар “чашмаи ҳайвон”ни топишда Фуодга ёрдамга келувчи дўстидир. “Назар образи ўзининг кўп жиҳатлари билан “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Шопур, “Лайли ва Мажнун”даги Навфал, “Гул ва Наврўз”даги Булбул образларини эслатади.”⁵⁹

Назар доимо Фуод билан бирга эди, У ҳар томонлама мукаммал илмлар соҳиби эди. Шопур эса Фарҳодга Яман мамлакатада учрайди, унинг касби – ҳунарманд наққошлик бўлиб, Фарҳод билан дўстлашиш учун унинг ўзи ҳаракат қилади. Иккала достондаги дўстларнинг икки хил вазиятда учрашиши, дунёқарашларининг икки хил бўлишининг ҳам сабаби бор.

⁵⁷Қосимова М.Муҳаммадниёз Нишотий.Т: “Фан” нашриёти, 1987й, 35-бет.

⁵⁸Навоий, Фарҳод ва Ширин, ziyouz.com.кутубхонаси

⁵⁹Қосимова М.Муҳаммадниёз Нишотий.Т: “Фан” нашриёти, 1987й,37-бет.

Нишотий Фуодга Шопур каби дўст бўлган қаҳрамон яратмоқчи эди. Аммо, Навоийдан фарқли ўлароқ, Назар “Хусн ва Дил” достонининг бошидаёқ Фуодга ёрдамга келди. Фарход бир қанча тўсиқларни енггачгина ойинада Шириннинг жамолидан баҳраманд бўлди, Фуод Хуснни кўргандан кейин тўсиқларга дуч келди. Тўғрироғи, ана ўша тўсиқларга Назарни рўбарў қилди. Савол туғилади: Фуод ҳам ҳамма билимларни эгаллаган комил инсон бўлса, Назарнинг ёрдамига нима учун муҳтож бўлди? Бизнингча бу ҳолат замиридаги маъно бошқа. Нишотий Назар образи орқали қуйидаги ғояларни илгари сурган:

1) инсонга ҳаётий тўсиқларни енгиб, бахтга етишишда ҳақиқий дўстгина ёрдамга келади;

2) мамлакат ҳукмдори аирофида доимо энг ишончли тарафдор хизматчилари бўлиши керак.

Иккинчи фикрни билдиришимизнинг сабаби шуки, Фуод “оби ҳаёт”ни топиш учун ҳам жисмонан, ҳам руҳан етарли кучга эга эди, бу ерда Назарнинг ҳеч қандай ёрдамига муҳтож эмас эди. Аммо, барибир, у Назарнинг кўмагидан фойдаланди. Асар воқеасидаги бу ҳолат бизга “Алпомиш” достонида Ҳакимбекнинг ўрнига Қоражоннинг пойгада иштирок этиш воқеасини эслатади. Демак, параллелизм “Хусн ва Дил” асарига ҳам тегишли экан. Умуман, асарда халқ достонларида учровчи кўпгина жиҳатлар кузатилади. Буни В.Абдуллаев ҳам таъкидлаган эди: “Достон воқеалари (худди халқ қаҳрамонлик достонларида кўринганидай) севгучи томонларнинг бир-бировлари билан топишувлари ва тўй-томошаларига бориб туташади”.⁶⁰ Назарнинг Фуод учун ҳамма нарсага тайёр эканлиги “чашмаи ҳайвон”ни топиш учун сафарга кетишидан олдин Фуод билан суҳбатидаги қуйидаги сўзларидан ойдинлашади:

Деди дуо бирлаки: – эй шаҳриёр,

Хотиринга келмагай ҳаргиз ғубор.

Бўлса наҳанг дуржида гар гавҳаринг,

⁶⁰ Абдуллаев В. Хоксор – Нишотий, Самарқанд, 1967й, 64-бет

Ёки паланг буржида ул ахтаринг.

Ёки эрур дашти фанода ниҳон,

Жаҳд била қилғомен ани аён.

Ман киби бор эрса санинг чокаринг,

Ғам емаким, бўлғуси ёр ахтаринг.⁶¹

Фуод чашмаи ҳайвонни излайди, лекин уни топишда Назарнинг хизматлари катта бўлади. Фарҳод эса тоғни қазиб, ўзи сув олиб келади. Иккала асарда ҳам сув мотиви учрайди. Сувнинг инсон ҳаётидаги биринчи вазифаси, аклбатта, покликни таъминлаш, яна бир томондан эса инсон сувсиз яшолмайди. Организмдаги ҳужайраларнинг ҳам асосий қисмини сув ташкил этади. **Демак, эътиборли жиҳати, ҳар иккала асар қаҳрамони поклик сари бораётган эдилар.** Аллоҳ васлига эришишнинг биринчи шarti ҳам кўнгил поклигидир.

Агар шох, ар гадодур одамизод,

Эмас бўйни қазо ҳукмидин озод

Ёзилғон нуктани тағйир қилмоқ,

Эрур сув узра хат таҳрир қилмоқ.⁶²

Фарҳод Сукрот тоғи тилсимини очишда авввал чашмадан ғусл қилади. Ҳайвонваш чашма уни поклайди. Ўшандан кейин унинг олдиға Хизр келади:

Ҳамул сув ичра ғусли айлади пок,

Юбон ғам чиркини бўлди тарабнок⁶³

Биламизки, оби ҳаёт ҳақида кўплаб ғазалларда таъкидлар учрайди. “Хусн ва Дил” да эса :

Чашмаи маъдум эрур ул боғаро,

Топмай ани лола эрур доғаро.

Ўзлигини қилмаса кимса адам,

⁶¹Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967.–Б.61

⁶²Ҳамса, А. Ҳайитметов, Ғафур Ғулом 1986, 93-бет

⁶³Ҳамса, А. Ҳайитметов, Ғафур Ғулом 1986, 95-бет

Топмас улуш чшма суйин балки нам.

Кимки қилар даҳраро нобуд ўзин,

Кўргай ўшул чашмани очғач кўзин, – дейилади.

“Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам **“Айнул-ҳаёт” деб номланган чашма** киритилганини биламиз. Арман элида икки юз уста уч йилдан бери тоғ қазардилар:

Оқар шарқисида бир чашма ҳоли,

Суйи ул навъким ҳайвон зилоли.

Дебон “Айнул-ҳаёт” ул чашмани хайл,

Ки ўлган ичса айлар жон сари майл.

Гаҳи ул ҳур бу сари кўяр гом,

Пари сарчашмада тутқондек ором.⁶⁴

Нишотий Назар образи орқали ўз замонаси учун муҳим фикрларни илгари сурган. Навоий эса “Фарҳод ва Ширин”да эмас, “Садди Искандарий”да бу масалага эътибор қаратган эди. Шохнинг отаси ёнида доно вазири Мулкоро бор эди. Нишотий “Хамса”даги барча муҳим фикрларни ўзининг биргина “Ҳусну Дил” достонида ифодалашга ҳаракат қилди.

Асардаги кўпгина образлар орқали илгари суриладиган фикрлар “Ҳайратул-аброр” билан яқин. Бу каби яқинликларни ўрганар эканмиз, Ҳолид Расуловнинг :

“...улуғ устозлар каби Нишотий ҳам “Хамса” яратган бўлса керак, деб тахмин қилиш мумкин. Балки улар бизгача етиб келмагандир. Ҳар ҳолда у ҳам мазмун, ҳам бадиий жиҳатдан гўзал асар ёзиш санъатини мукаммал эгаллаган, ҳатто катта асарлар ёзиш ҳақида тажрибали санъаткор сифатида йўл-йўриқлар кўрсатишга ҳам қодир бўлган”⁶⁵ - деган фикрларини эслашимиз жоиз.

⁶⁴Хамса, А. Ҳайитметов, Ғафур Ғулом 1986, 103-бет

⁶⁵Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 5-бет

Нишотийнинг “Хуснудил ва Фуод” асарининг “Сўз деган бир муҳаззираи душиза ва бир мастураи покизадур” деб номланган қисмида Низомий, Жомий, Хисрав ва Навоийларга юксак баҳо берди.

Эҳтимол “Хусн ва Дил” шоирнинг “Хамса” яратишдай эзгу мақсади учун бир тажриба, пиллапоя вазифасини бажаришини назарда тутгандир.

Ман доғи анларға демоклик жавоб,

Истабон айттим бу сўзи иртикоб⁶⁶

Демак, Нишотийнинг ўзи ҳам “Ҳайратул-аброр”га жавобан асар ёзганлигини таъкидлайди.

В.Абдуллаев айтганидек, XVIII аср ўзбек адабиёти тарихи учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган “Хуснудил ва Фуод” достони Навоий ижодий тажрибаларини ўрганиш таъсирида ёзилган .

Сўз хусусида сўз кетганида Нишотий Назар тилидан:

Шери худо дедик: – **қилма назар,**

Сўзчига, сўзга қара, эй покфар⁶⁷, –фикрини билдирадики, бу ўринда Навоийнинг:

Чун ғараз сўздин эрур маъни анго,

Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз холини,

Кўрма ким дер они, кўргил ким на дер⁶⁸, –қитъаси эсимизга келади.

Ҳар иккала асар қаҳрамонлари мақсад сари боришда бир қанча тўсиқларга дуч келадилар. Бу тўсиқлардан ўзларининг зукколиги ва мардлиги туфайли қаҳрамонона ўтадилар.

Ўз нафсига қул бўлишнинг оқибати ана ўша Рақибидев тимсоли билан ифодаланади

Қомат ҳузурида май ичган дев мақтана кетади:

Меҳрга гар қаҳр ила қилсам нигоҳ,

Оташи қаҳрим бирла бўлғай сиёҳ⁶⁹.

⁶⁶Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 39-бет

⁶⁷Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 116-бет

⁶⁸Навоий, Б. адоеул-васат, 1965 йил, 401-бет

Бу каби мастликда айтган сўзлари учун Назарга ҳамроҳ бўлиб, олтин-у зар муддаосида унга ҳамроҳлик қилаётган девни чиқариб ташлаб, “терисини тош билан ошлайдилар”.. Кўриб чиққанимиздек, Назар ўз ақли туфайли девдан халос бўлади, бу Фарҳоднинг кучи билан аждарҳони енгганига баробардир.

Шоҳ Қомат билан Назар ёлғиз қолгач, Назар шоҳга бошидан ўтказган барча ситамларини баён қилади. Қомат тарафидан Назарга билдирилган ҳамдардликда **муаллифнинг кучли пафоси** яққол сезилиб туради:

Фитратинга, ҳимматинга офарин,

Меҳнат ила хизматинга офарин!

Кимса жаҳон ичра санингдек жафо,

Чеккан эмас, айлабон аҳду вафо⁷⁰.

Шоҳ Қоматнинг бу сўзларидан Назарга юксак ҳаваси борлиги тасвирланадики, Нишотий бу билан барча ҳукмдорлар садоқатли ва фидойи хизматчилари, дўстлари бўлишини орзу қилиши шу тариқа ифодаланади шоир томонидан.

Фуод Ҳуснудилнинг саройига кирмасидан олдин уни Табассум қаршилайди. Сўнг Ноз унга пешвоз чиқади. Фуод Ҳуснудилнинг висолига эришиши учун исмат пардасидан ўтиши лозимдигини, бу пардадан ўтиш учун эса ўзликдан кечиш лозимлигини Ноз унга тушунтиради:

Этти адо сўзни ул чу ул Ноз моҳ,

Оҳ чекиб онда сарафроз шоҳ,

Ўйла йиқилди бўлубон мурдавор,

Хок эди де,хок аро топти қарор.

Ўзлигинин қолмади онинг асар,

Не тану,не жону,не дил, не жигар⁷¹.

⁶⁹Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 120-бет

⁷⁰Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 121-бет

⁷¹Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 365-бет

Ҳақиқий ишққа эришмоқ учун ўздан кечишлозимлигини, ёр билан бирлашмоқ учун аввало, ўхз эҳтиёжларидан кечиб, унинг эҳтиёжини ўз эҳтиёжи, унинг мақсад-муродини ҳам ўзиники деб билиш кераклиги ва энг муҳими, ўзни унутиш даражасида севиш лозимлигини Нишотий “исмат пардаси” орқали ифодалайди. Иккинчи томондан эса бу парда ҳаёрамзи ҳам бўлиб, мажозий ишқда ҳам ёр муҳаббатни қозониш учун ошиқ унинг оёғида ўзини тупроқ даражасида деб билиши ҳам ор эмаслиги уқтирилади. Ўзлигидан кечган инсон мажозий муҳаббатдан илоҳий ишққа кўтарилади. Худдики Қайснинг исми Мажнун, Мажнуннинг исми Лайли бўлганидек. Зеро, Мажнунга Лайли унинг қошида бўлиши шарт эмас, чунки ёдида доим ёди, ҳаёлида доим ҳаёли бор. Икки руҳ бирлашиб бўлган экан, бас, жисмнинг бу ерда қиммати туфроқ кадардир.

Нишотий асар сўнгида ўз асари хусусидаги фикрларини ифодалайди:

Қилдим они назм қилурға қиём,

Ўтти машаққат бирла беш ой тамом.

Дема сўзинг нозику марғуб эрмас,

Аҳли суҳан кўнглига маҳбуб эрмас.

Мажозий маънода асардаги қаҳрамонлар кетма-кетлигина эътибор берсак, қуйидаги тизим шаклланади:

Фуод(отаси Ақл)-ойинада ёрни кўриш-Назар-чашмаи ҳайвон(у ҳақида турли фикрлар, шайх Зарқ, шоҳ Фахр, шоҳ Номус,)-Ҳиммат-девлар-Қомат-Жилва- Гисуйи-ҳаё-Иффат –Исмат-

Нишотий ҳар қандай мушкул вазифани бажаришда инсоннинг кўнглида Аллоҳга муҳаббат бўлса, машаққатлар осонгила ҳал бўлишига ишонади:

Ҳар кишига бўлса мураббий Худо,

Бўлғусидир раҳзан анго раҳнамо⁷².

⁷²Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 39-бет

Назар Гулшани Рухсорга киришда Гисуйи деган қаҳрамон унга ёрдам беради. Назар унга она томондан қариндошлиги туфайли яқинлашиб олган эди. Гисуйи ўзи макон тутган боғни шу даражада тасвирлайдики, бу ўринда Нишотийнинг ўз юртига бўлган муҳаббати ҳам сезилади:

Наргис, агар солса бу ёнға назар,

Кўр ўлуридин анга бордир хатар.

Лолаки, бағрида қаро қон эрур,

Бутмак анго мунда на имкон эрур?⁷³

Бу гулшан шундай гулшанки, унга тўққиз фалак ҳижоб гўё. У шундай ёруғки, юлдузнинг кўзини кўр қиларлик даражада. Бу гулшаннинг номи Садр. Гулшани Рухсорда Ғамзаи ғаммоз ҳақида гап кетганида **Нишотий шоҳлар ҳақидаги муҳим фикрларини баён этади:**

Сўзчи эли шоҳға бордур яқин,

Бўлғай ироқ кимки эрур сўзи чин⁷⁴.

Хуснда Фуоднинг сурати бор эди. Назар унга Фуодни танишини айтганидан сўнг, Хусн қалбидаги чўғ оловланиб кетади:

Ҳар кишига берса тасалли хаёл,

Ҳол анга не бўлғуси кўргач жамол.

Май исидин ҳар кишиким бўлса маст,

Ичгоч они бўлса нетонг ерга паст⁷⁵.

Сукрот Фарҳодга ҳаётдан иккита мақсад борлиги, бири – ўзликдан қутулиш, иккинчиси Аллоҳ висолинҳга эришиш эканлигини айтган эди.

Ҳар иккала асарда ҳам бир хил детал – **гавҳар** учрайди. Нишотий оби ҳаётни Искандарлар ҳам топа олмаган девлар қўриқлайди, дея келтиради:

Неча Сикандар кезибон баҳр-у бар,

Топған эмас бариси андин асар.

⁷³Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 39-бет

⁷⁴Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 135-бет

⁷⁵НишоРасулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 145-бет

Қалъаи сагсorda Рақиб деган дев бўлиб, уни кўрса илонлар ҳаминига писиб қайтардилар. Рақибни енга олсанг, боғи Эрамдай гўзал мулк соҳиби Қомати сардор олдиға борасан. У “Хусни парирўйға аламдор” эди. Жилва деган айёр Қоматнинг ёри эди. “Агар ана шулардан ўта олсанг, – дейди Ҳиммат, – Гулшани рухсорға етиб оласан. Ҳиммат Назарға Гавҳари дониш тошини беради. Бу тош Назарнинг сафарида турли дев-у парилардан сақланишиға ёрдам беради. Гуҳари дониш Назарни тўрт кўзли парилар орасидан ғойиб бўлишида асқотади.

Шундай қилиб, Шоҳ Ҳиммат Назарға тўсиқларни енгилда, инсужинсларға қарши курашда ёрдам бўлиши учун “гавҳари дониш”ни тухфа қилади:

Бизда эрур турфа мусаффо гуҳар,
Қиматиға етмагуси сийму-зар.

Оти анинг Гавҳари дониш эрур,
Қадаро чун гавҳари беш эрур⁷⁶.

Сукрот эса шоҳға **жавҳар** тақдим этган эдики, узоқ умр кўриш тақдирига ёзилган ҳукмдор ана шу жавҳар туфайли дарддан халос бўлиши, қариликдан қутулиб, яшаргандай бўлиши мумкин эди.

Ёвузликка қарши кураш, ўз мақсади сари интилишда сеҳрдан фойдаланиш замирида ҳам аввало, Аллоҳға яқинлик бор. Сукрот Фарҳодни минг йилдан бери кутар эди, зеро унинг битигига Яратган томонидан шу ёзилган эди, Назар бўлса девлардан яширинишда гавҳарни қўллайди. Ўйиборлиси шуки, иккала асар қаҳрамонлари ҳам оғир синовларға дуч келганларида дуо ўқир эдилар.

Асарлардаги кейиги ўхшашлик бу – **Искандар билан боғлиқлик**дир. Бу детал ҳариккала асрнинг деярли бошланишида учрайди. Фуод чашмаи ҳайвон ва унинг қошидаги гўзал малак – Хуснни онаси

⁷⁶Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 104-бет

берган “Қиссаи Искандарий” китобидан ўқиб билган Чашмаи ҳайвондин
этиб можаро,

Солмиш эди кўҳи фалакка садо.
Ёзмиш эди анда бериб зеб фар,
Қиссаи Искандарий ул сар-басар –
Деб ёзғон чоғи ул тез ҳуш,
Кимки анинг қатрасидин қилса нўш,
Ўлган эса топғисидир тоза жон,
Қатра демади ани жону жаҳон.⁷⁷

Фарҳод ўз махбубаси Ширинни сандиқдаги тилсимот – Искандар
оинасидан билган эди:

Ки, бу сандуқ сиррин кимса билмас,
Калиди йўқтурур, қуфли очилмас.

Ани кўрдунг, билурнинг фикридин кеч
Ки, биз ҳам кўрдук, аммо билмадук ҳеч.

Эшитгач шоҳ узрин шоҳзода,
Ҳавас савдосини қилди зиёда.

Деди: «Ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод².

Улум ичра манга то бўлди мадҳал,
Топилмас мушкиле мен қилмағон ҳал.

Мунинг ҳам билмагунча аслу будин,
Муайян қилмағунча тору пудин

⁷⁷Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967.–Б.55

Не имконким қарор ўлғай кўнгулга,
Тасалли ошкор ўлғай кўнгулга».⁷⁸

Фарҳоднинг Ширинга ошиқлиги замирида аслида илоҳий муҳаббат ётарди. Савол туғилади: Нишотийнинг асл мақсади ҳам илоҳий ишқни таранну этиш эдими? Шубҳасиз ҳа. Буни биз асар қаҳрамонларининг номланишидан ҳам билишимиз мумкин. Қалъаи Баданнинг маҳв этилишини юқорида келтириб ўтган эдик.

Юқорида биз “чашмаи ҳайвон” ҳақида ҳам тўхталган эдик. Нажмиддин Комиловнинг Навоий ижодига бағишланган “Ҳизр чашмаси” китобида бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилади:

Марди раҳбинро дила маҳфинамо, в-он жоми Жам

Хизрро оби ҳаёт оинаи Искандар аст

(йўлни кўрувчи эраннинг қалби маҳфий илмларни акс эттиради ва бу худди Жамшиднинг жоми бўлиб, Хизрга оби ҳаёт ҳам, Искандарнинг оинаси ҳам шудир.)

“Бу уч тушунча, яъни “Жоми Жам”, “Оби Ҳаёт”, “Оинаи Искандар” ўзаро маънодошдир. Чунончи, ривоятга кўра, Жамшид шундай бир қадах ясаттирадики, ундаги шароб оламни кўрсатиб турар ва ичгани сайин кўпаяр экан. Искандар Зулқайнар ҳам шундай бир оина ихтиро қидирган эканки, у билан оламни томошо қилиб ўтирар экан. Хизр эса ер остига тушиб тириклик суви – оби ҳаётни топиб ичганлиги боис абадий тирик экан. Буларнинг ҳаммаси эса дарвиш қалбидир”⁷⁹

Иккала асардаги бу ўхшаш деталлар вазифасини солиштирганимизда, уларнинг асарларга киритилишидан ҳар иккала ижодкорнинг ҳам мақсади бир хил бўлганлигини англашимиз мумкин. Чунки ана шу деталлар воситасида бош қаҳрамонлар ўз ёрларини кўрган эдилар.

⁷⁸Навоий “Фарҳод ва Ширин”

⁷⁹Комилов Нажмиддин, Хизр чашмаси, Тошкент: “Маънавият”, 2005йил, 223-бет:

Агар “Фарҳод ва Ширин”ни эсласак, Фарҳод учратган Хизр ҳам айнан чашманинг ёнида тасвирланганининг гувоҳи бўламиз:

Зулолий чашмаи ҳайвон масаллик,
Бўлуб ҳар катра андин жон масаллик.

Қироғинда дарахти кўкка ҳамбар,
Бу ҳайвон суйи, ул — Хизри паямбар.

Етиб Фарҳод анда бўлди хуррам,
Йиғочқа боғлабон рахшини маҳкам.⁸⁰

Асарда шунингдек, халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан, хусусан, мақоллардан кенг фойдалинганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, Ақлшоҳ ҳузуридаги мусика чолғуларидан бири бўлган Чанг тилидан кўплаб мақоллар келтирилади:

Деди набий: “**кибру хасад шум эрур,
Кимки қилур, эларо мағмум эрур**”⁸¹.

Ёки:

Улки жаҳон мулкиға султон эди,
Хубби ватанни минал – имон, – деди⁸².

Ақлшоҳ ифвогар вазирларининг сўзига кириб, Ишқ мамлакатига кўшин тортиши ўрнида келтирилган ибратли мақоллар ҳам эътиборингизни тортади: **Ўзни хаёл айлар эдилар чу шер,**

Ўзгани билмас эдилар бори эр⁸³

Чолғу асбоблари ҳақида тўхталганимизда шуни ҳам айтиш жоизки, шоир уларининг таърифини келтирганда ўзининг нозик сўз қўллаш маҳоратини ҳам намоён қилган:

Кимки фалак **чангида** бўлди асир,
Чанг киби чекса тонг эрмас нафир⁸⁴.

⁸⁰“Фарҳод ва Ширин”

⁸¹Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 164-бет

⁸²Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 165-бет

⁸³Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 197-бет

Най чолғу асбобини эса, ўзи эгри турса ҳам тўғри сўзни айтади, дея таърифлайди:

Сўз недин улки шакару най эмиш,
Эгри туруб тўғри дегил сўз демиш⁸⁵

Ёки “**ер**”сўзи ҳақида шундай фикрни билдирадики,бу тилшунослик учун ҳам муҳим илмий маълумот ҳисобланади.

**Ер деганинг эрмиш ажаб аждарҳо,
Ер эмиш ул қўймайин оқу-қаро⁸⁶.**

Фуод ишқ дардига мубтало бўлганида унинг дардига шифо топиш мақсадида бир ҳакимни келтирадилар. Нишотий бу ҳакимнинг исмини Тасаллий дея номлайдики, ишққа бирор шифо, ундан кўнгилга етувчи жароҳатга, азобга бирор тасалли ёрдам бера олмаслигини уқтимоқчи бўлади бу билан муаллиф.

Гарчики бор эди Тасаллий ҳаким,
Ишқ ўтиға қайда тасллий надим⁸⁷

Шоҳ Ақл Илҳом ва Зарқнинг сўзига кириб, Ишқ мамлакатига қўшин тортади. Олдиниға Назар ва у билан келган 2та ҳамроҳини зиндонга ташлайди. Қалъаи Дийдорни муаллиф шундай тасвирлайди:

Гарчи тамомий қиз эмиш, лек шер,
Эркакидин модаси эрмиш далир⁸⁸.

Ишқ шоҳнинг 2та паҳлавони бўлиб, уларнинг бири – Ғам, иккинчиси – Андӯҳ эди. Ақлшоҳнинг қўшин тортишига сабабчи бўлган қаҳрамонлар Ваҳм ва шайх Зарқ эди. Зарқнинг маъноси – иккиюзламачилиқдир. Навоий “Ҳайратул- аброр” ва “Маҳбубул-қулуб” асарларида риёкор шайхларни танқид остига олган эди.Буюк шоир шайхларини танқид қилганида ёва, ях, зарқ, ҳарза, ҳазён, таблис, зухд, идбор, ҳуққабоз, ўғри,каззоб дея

⁸⁴Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 166-бет

⁸⁵Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 172-бет

⁸⁶Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 168-бет

⁸⁷Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 188-бет

⁸⁸Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 192-бет

таърифлаган эди. Худди Навоийнинг таърифларига мос характер эгаси шайх Зарқнинг “шарофати” билан талотўп уруш бошланади. Уруш сахналари тасвирида ҳам Нишотийнинг сўз қўллаш маҳорати кўринади:

Тўпу тўфанг савти солиб шўру-шар,

Етти фалакнинг қулоғин қилди кар.

Титради ер, зоҳир этиб зилзила,

Ўйлаки юз даврасида силсила⁸⁹.

Ақл шоҳнинг олдида йиғилган чолғу асбобларига таъриф берилган ўринда эса, Нишотийнинг айтган сўзларини икки маънода тушуниш мумкин:

Рост, Наво аҳлиға айлаб қарийб,

Айлагил Ушшоқ майидин насиб.

Соқий, олиб кел майи оташмижоз,

Най элидин шўъласи топсун ривож⁹⁰.

Бу ўринда шоир ўзини ҳам куй аҳлига, ҳам Навоийга янада яқинроқ бўлишни исташини назарда тутмоқда.

⁸⁹Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 195-бет

⁹⁰Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 163-бет

3.2. Достондаги масалларда навоийёна инсонпарварлик ғоялари

Достонда салбий иллатлар устидан муаллифнинг кескин танқиди сезилиб туради. Хусусан, май ичган кишининг кўзлари шамғалат бўлиши, тўғри билан эгрининг, яхши билан ёмоннинг фарқига бормай қолиши ҳақида ёзади Нишотий:

Май ичибон базм аро маймун била,

Бор эдилар бахт ҳумоюн била.

Базмнинг асбобини айлаб тўкуз,

Томса тўкуз, оқса дедилар ўтуз⁹¹.

Асар сўнгида Ҳуснудил ва Фуоднинг тўйи тасвирида шоир бир неча мунозараларни келтиради. Улардан бири гул ва даф, яъни доира мунозарасидир. Муаллиф доира тимсоли билан хасадгўй, мактанчоқ кишиларни танқид остига олади. Доира ўзини бой деб кўрсатувчи, ўзича кибор қилувчи мактанчоқ кишилар тимсолидир. Даф Гул билан мунозарага киришар экан, ўзининг кийимлари тиллага ўхшаши, гулнинг кийимлари чок-чок бўлиб йиртилиб кетганини эслатади:

Май киби эл бошиға чиқмоқ недур,

Ман киби эл ичра рчилмоқ недур

Бу мисралардан Дафнинг майпарастэканлигини ҳам билиниб туради:

Май киби эл бошиға чиқмоқ недур,

Ман киби эл ичра очилмоқ недур?

Йўқ юзига пардаи нақши ҳаё,

Бош уза чиқмоқ санго бор муддао.

Нахли вужудингки эрур хоксор,

Недин эрур зотинга бу эътибор⁹².

⁹¹Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 344-бет

⁹²Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 344-бет

Даф Гул либосининг қат-қат эканлигини ҳам салбий баҳолайди:

Жисминг уза кўрки либосинг бутун –

Эрмасу қасрингда фалосинг бутун⁹³

Даф Гулнинг либосини камситар экан, ўз либосини кўз-кўз қилиб, уни Хитой охуларининг пўстига ўхшатади:

Пўст манго охуйи Чиндин мисол,

Дўст манго эларо ширин мақол,

Даф ўзини мақташда давом этар экан, ўз кўнглининг ишқ сирларидан бохабар эканини таъкидлайди:

Кўнглим эрур махзани асрори ишқ,

Жоним эрур матлаъи анвори ишқ.

Даф ўз ишқи ҳақиқий, Гулнинг ишқи эса сохта эканлигини исботламоқчи бўлади. Дафнинг фикрича, Гул ишқи ҳеч қачон соф бўлолмайди, гул муҳаббат ўтида ёниши мумкин эмас, чунки эл унинг оташ ниҳолдан ҳам жудо қилиб, сувга соладики, оқибат оташ гулобга айланади:

Демаки, бордур манга саркаш ниҳол,

Балки эрур жисмингга оташ ниҳол.

Оқибат ул оташ этиб жонинг об,

Шишага солди дедилар эл гулоб.⁹⁴

Дунёда шундай кимсалар борки ўз ишда ҳам, ҳаётда ҳам юзаки бўлиб, яна ўзларини сидқидилдан бажонидил бирор нарсага ёндошгандай кўрсатадилар. Даф ана шундай инсонларнинг рамзий тимсолидир. Масалан, садоқат, вафо, диёнат, виждон ҳақида соатлаб баландпарвоз сўз айтувчилар орасида аслида бу фазилатлардан мутлақо мосуво кишилар кам дейсизми. Бундай кимсалар Нишотий замонида ҳам, ҳозирги замонамизда ҳам бор.

⁹³Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 344-бет

⁹⁴Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 345-бет

Дафнинг мақтаниб ишқдан лоф уриши ҳақидаги мисраларни ўқиганингизда, “Лисонут-тайр” асарида олдинига Семурғни излаш учун Худхудга қўшилиб йўлга чиққан, кейин эса йўл машаққатларига чидай олмай ундан узр сўраб, ўз сифатларини кўз-кўз қилган қушлар нағмаси беихтиёр эсингизга келади. Хусусан, товуснинг нутқидан:

Мен қушемен қасру гулшан зийнати,

Нақшу рангим аҳли олам хайрати.

Суратим гулшанга оройиш дурур,

Ҳайъатим кўрганга осойиш дурур.

Боғаро мендин хазонда бўстон,

Бешада мендин қиш ичра гулистон.⁹⁵

Ёки тазарвнинг:

Мен қушедурменки қилмиш ҳусну зеб,

Гулшан ичра суратимни дилфиреб.

Тенгри рўзи ҳусну зеб этмиш менга,

Лутфу раънолиғ насиб этмиш менга⁹⁶.—деган сўзлари ёдингизга келади.

Гул ўзининг таянчли мулоҳазалари билан доиранинг юзини очиб ташлаб, сирларини фош қилади. Аёллардек сирға тақиб олиб ўзини кўз-кўз қилган Даф аслида гадолар қўлида кун-у тун афғон чекиши, сийму-зар тилаб атрофдагиларга ёлвориши, қадди ғамдан букилган эмас, очлик туфайли бўм-бўш эканлиги, бўш нарсадан чиққан наво – наво эмаслигини таъкидлайди:

Оламаро сан киби саргашта йўқ,

Давр элида толеъи баргашта йўқ.

Боз дема ўзингни эй таблсоз,

Балки эрур бозий учун санго соз.

Сўзинг ўзингдек бориси бўлди хом,

⁹⁵Лисонут-тайр 56

⁹⁶Лисонут-тайр66

Ўтга тутарлар сани ондин давом.⁹⁷

Мана шу ўринда Нишотий Гулнинг жавобида ўзининг ҳам фалсафий қарабини, ҳам илмий қарабини сингдириб юборади. Яъни, инсон ҳамиша тўғрисўз бўлиши лозимлиги, ҳар бир нарсанинг жавоби бўлгани каби инсон ҳар бирайтган сўзи учун ҳам жавоб беришини айтади. Иккинчи тарафдан, ижодкор ҳам ўз қаламини олдин обдон чархлаши лозимлиги, мукаммал асарлар яратиши лозимлиги ва бунинг акси бўлган тақдирда ёлғончи ўз қилмиши учун жазолангани каби ёзувчи ҳам албатта, жабр тортишини таъкидлайди. Нишотийнинг бу фикрлари бугунги кунда ҳам заррача аҳамиятини йўқотган эмас.

Найнинг сўзлари:

Меҳр киби ич ила тошим ёруқ,
Чарх киби кўз била кўнглум очуқ.
Мундин эрур эл ичига бормоғим,
Ўн ҳунари эгоси ҳар бармоғим.⁹⁸

Най ўзининг дарддан куйлашини, шамшоднинг эса оёғи ерда, лойда бўлиб, боши осмонда эканлигини таъкидлайди.

Аслинг эруру банди балойи ҳаво,
Сан киби йўқ даҳраро бир худнамо,
Лойародур банд оёғинг санинг,
Баски етар кўкка димоғинг санинг.⁹⁹

Бу ўринда “Лисонут-тайр” асаридаги қарахтликдан донг қотган қаландар ҳикояти эсингизга келади. Ўша қаландар кунлардан бир кун бир вайронага кириб бангдан одатдагидан кўпроқ тортади, натижада ўзини Моний суратхонасида гўзал маъшуқасининг лабидан ўпаётгандек ҳис қилади, аслида эса ўша қаландарнинг лабидан чаён чақаётган бўлади, у буни пайқаганида эса ғишт қолибдан кўчиб бўлган эди:

⁹⁷Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 346-бет

⁹⁸Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 350-бет

⁹⁹Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 350-бет

Кўрди ўзни бир назах гулшанда шод,
 Теграсида жамъ асбоби мурод.
 Маскани қасри биноси бас қавий,
 Зеби онинг коргоҳи Монавий¹⁰⁰.

Бангиликдан вайронада ўтириб ўзини жаннатда юргандай ҳис қилиш ва бунинг оқибатида балога дучор бўлиш бугунги куннинг ҳам долзарб муаммоларидан биридир. Нишотий айтган боши баланд, қомати тик шамшоднинг оёғи лойда тасвирланган образни бошқачароқ қабул қилишимиз, яъни, бошимизни тоғлардай баланд тутсак ҳам оёғимиз ерда эканлигини ва шу тупроқ бизни суяб турганлигини унутмаслигимиз лозим. Шоир мана шу тарзда жамиятдаги турли иллатларни қоралайди. Айни пайтда Нишотий най каби босқинда қолин, оёқости бўлишнинг ҳам тарафдори эмас:

Дийда санго бўлмади чун дўст бийн,
 Бармоқ ангшо бостилар аҳли яқин.
 Кўр, хуш ул кўзки худобин эмас,
 Дур хуш ул дилки хуш ойин эмас.
 Санки дединг эларо ҳарфи дурушт,
 Ондин эрур кўзингга ангушти мушт.¹⁰¹

Асарнинг бу ўрнида Нишотий билан Навоийнинг фикрлари у қадар мувофиқ келмаслигининг гувоҳи бўламиз. Шамшоднинг саволларига Най жавоб бера олмай қолади. Балки Нишотий мунозара талабларидан келиб чиқибшундай қилгандир, балки ишқ достони ичидаги мунозараларда чуқурлашиб кетиш шартъ эмас, деб ҳисоблагандир.

Навоий оёқости бўлиш ҳолатига бошқача ёндашади. Буюк даҳо фикрича ўзлик унутилганидагина ҳақиқий ўзликка эришилади. Бу ўринда шайх Саънон, Аёз, Қайс, Мансур Ҳаллож ҳақидаги ҳикоятларни мисол қилиб келтириш ўринлидир. Нишотийнинг бу ўриндаги мақсади

¹⁰⁰Лисонут-тайр148

¹⁰¹Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 351-бет

бизнингча, ҳақиқий ишқда нима талаб қилиниши эмас, инсонлар орасидаги салбий хислатларни танқидга олиш эди, шу боис ҳам чекланишлар қилган бўлиши мумкин. Аммо Нишотий мунозаралардан сўнг лирик чекинишлар қилар экан, ўзининг асл ҳидоят йўлидан боришини тилайди:

Ё раб, ҳидоят сари бошла йўлим,
 Лутфу-карам бирла дегил чин қулим.
 Чин элидек қўйма хито сариға,
 Бошла мани мулки ато сориға¹⁰².

Савол туғилади: Нишотий шундоғам саргузашт аралашиб кетганишқ достони “Ҳусн ва Дил” достонига нима сабабдан бу мунозараларни киритди. Чунки, унинг нияти фақатгина муҳаббат мавзусида асар яратиб севгини мадҳ этишгина бўлиб қолмаган. Ҳамма замонларда ҳам ижод аҳли юртнинг тараққий этишини истаган. Шунчаки истабгина қолмасдан, халқ ободлигини талон-тарож бўлишининг сабабларини ўйлаб, бугунги миллий ғояларимизга мутаносиб қилиб айтганда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун нима қилиш зарурлиги ҳақида чин дилдан қайғуришган. Нишотий ҳам ўз асарини ўз идеали, орзу –умидлари билан сайқаллаган, бойитган.

Келтирилган мунозаралардан мақсад – панд-насихат қилиш эмас, ижтимоий зиддиятларнинг, халқ ночор аҳволининг сабабларини кўрсатиб бериш, халқнинг ўзига ҳам, амалдорларга ҳам кўзгу тутиш эди.

Ҳазрат Навоий айтганидек:

Киши айбинг деса, дам урмагилки, ул эрур кўзгу,
 Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?

Шоир айна мана шу эзгу нияти билан ҳам аслида Навоийга издош эди, десак, муболаға бўлмайди. Чунки асар ёзишдан мақсад чинданам кўнгилдаги доғни тўкиш, аммо ўша доғ фақат ишқ жароҳатининг изи эмас-

¹⁰²Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 352-бет

да! Ҳақиқий ижодкорлар ўзларини миллат, халқ тақдиридан бир дам ҳам айри ҳис қилимайдилар.

Ғамза базмида Наргисга Косаи Чин таъна қилади:

Таъкидлаш жоизки, мунозараларда шоир халқ орасида кенг тарқалган ибратли сўзлар, мақоллардан ҳам фойдаланади. Хусусан, Косаи Чин Наргисга:

Ҳар киши ўз рутбасида хўб эрур,
Ҳар нима ўз ҳаддида марғуб эрур¹⁰³.

Коса Наргисни кофирликда айблайди. Наргис эса Косани очкўзлигини айтади:

Жонинг эрур хайли тамаъға ватан,
Қайда таом ўлса очарсан даҳан.

Нишотий Наргис тилидан шакл ва маънога бўлган муносабатини билдириб, ўзининг назарий қарашларини баён этади:

Суврат эли нақшға мағрур эрур,
Маъни эли нақшдин ул дур эрур,
Ҳар неки бор сурату нақшу нигор,
Бўлмас онинг ҳеч бирига эътибор.
Иста маонийки, онга йўқ фано,
Ғайрин онинг англа яқин лобақо¹⁰⁴.

Адабиётда шакл ва мазмун масаласи ҳақида гап кетганда мазмун бирламчилиги муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги мулоҳазаланинг гувоҳи бўламиз. Шоир учун ҳам мазмуннинг етакчилини биринчи навбатда аҳамиятлидир.

Гисуйининг зиёфатида Бинафша ва Чанг мунозараси берилади. Чанг Бинафшани қораликда айблайди:

Дедики: – эй суврати маъни сароб,

¹⁰³Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 354-бет

¹⁰⁴Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 356-бет

Ранг ила суврат сени этмиш хароб.
 Фикр санго тийра, либосинг қаро,
 Хона санго тору палосинг қаро.
 Чанг ўзини киборланиб мақтайди:
 Кўр маниким фойиқи офоқман,
 Сарвари сардафтари ушшоқман.
 Чексам агар завқ бирла бир наво,
 Беҳуд ўлуб тушгуси тайри ҳаво.
 Сўзи сўзум шуълаи бедуд эрур,
 Қавл ила феълимёри маҳмуд эрур
 Бинафша бўлса Чангни ёлғон ишқдан лоф урувчи, аслида кўзи кўр,
 кулоғи қар, дея таърифлайди:

Ишқ сўзи бирла кўп этма ғулув,
 Лойиқ эмастур санго бу гуфтигў.¹⁰⁵

Нишотий шу ўринда Бинафша тилидан зоҳидлик фалсафасини илгари
 суриб беради. Яъни, Бинафша рангининг нима учун қора тусга яқин
 эканлигини унинг тилидан шундай изоҳлайди шоир:

Жисмим агар тийра булутдек мудом,
 Меҳр киби бўлди замирим давом.
 Билдим они даҳр вафосиз эмиш,
 Умр деган асру бақосиз эмиш.
 Онинг учун бўлди либосим қаро,
 Ўлдим ҳам туттим ўзимга азо.
 Ўлмасидан кимки бурунроқ қатил –
 Бўлди топор ўлмоси сари сабил.
 Ушбу ўлимдурки муаббад ҳаёт,
 Дерлар они йўқтурур онга момот¹⁰⁶.

¹⁰⁵Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 361-бет

¹⁰⁶Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 361-бет

Бинафшанинг бу сўзларини эшитган Фуод ўша куни бинафшаранг кийинади. Шоир Бинафша образини асарга киритиши билан инсон камтар бўлиши лозимлиги, бу ҳаётнинг ўткинчилиги ва ўлимни мудом эслаб туриш лозимлигини билдиради.

Нишотий ўз асарини халқ кўнглидан жой олишини чин дилдан истайди:

Сўзига эл кўнгли аро бер мақом,

Ўзига қил лутфу иноят тамом¹⁰⁷.

Нишотий асарида ўз ҳаёти ,орзу-умидлари, Аллоҳдан муродини ҳам билдириб ўтади.

¹⁰⁷Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 376-бет

Хулоса

Муҳаммадниёз Нишотий ва Алишер Навоий асарларини қиёсий тадқиқ қилганимизда қуйидаги хулосаларга келдик:

Нишотий эпик шеърятда ҳам, лирикада ҳам Навоий ижоди анъаналари изидан борди буни биз “Хусну Дил” асари даги ўхшаш тимсоллар, ғоялар муштараклигида кўришимиз мумкин.

Нишотий ўзи айтганидек, фақат “Ҳайратул-аброр” га эмас, “Хамса”нинг беш достонига ўзининг биргина “Хусну дил” асари билан жавоб қайтарди. “Хамса”даги барча достонлар хусусиятларини ўз асарида умумлаштирди. Буни биз асар ичида келтирилган масаллар, мунозаралардан ҳам билишимиз мумкин. Нишотий асарида ўз давридаги инсонларни тимоллаштирган бўлса-да, теран қаралганда, илоҳий ишқни тараннум этишни ҳам кўздан қочирмаган. Нишотий асаридаги “чашмаи хайвон” мақсад ва вазифаси жиҳатдан олиб қаралганда “Фарход ва Ширин”даги “Оинаи Искандарий”нинг ўзгинасидир. Чунки ҳар иккаласи илоҳий ишққа етакловчи восита, Н.Комилов таъбири билан айтганда, инсон қалбидир. Ҳар иккала асар қаҳрамонлари полик ва комиллик сари бораётган қаҳрамонлардир. Бадиий тасвирда ҳам Нишотий Навоий изидан бориб, ўз асаридаги ижобий қаҳрамонларни “Хамса” қаҳрамонлари фазилатларига монанд тасвирлаган. Нишотий яратган “Қушлар мунозараси” эса бевосита “Лисонут-тайр” таъсирида ёзилган.

Достон “Хамса”дан фарқли ўлароқ воқеабандлик асосида, битта сюжет линиясида ёзилган. Вазни эса аруз вазнининг сареъ баҳридадир. Нишотий асарини қисмларга бўлмаган, ажратмаган бўлса-да, ҳар бир воқеадан кейин лирик чекиниш асосида ўзининг фикрларини билдириб борган. Асарнинг кулминацион нуқтаси уруш саҳнасидир. Асарда “Хамса” дан фарқли ўлароқ, асосан икки мамлакат бир-бирига қарши қўйилади ва бир мамлакатни Нишотий ўзи яшаб турган жойга, унда содир бўлаётган адолатсизликларга қиёслайди. Иккинчи мамлакат Ишқшоҳ мамлакати эса

Нишотийорзу қилган давлатдир. Достонда халқ оғзаки ижодига мансуб бўлган мақоллардан кенг фойдаланилади. Нишотий ўз достонига киритган мунозараларида гуллар тимсолига ўзининг ҳаёт ҳақидаги, муносиб умр кечириш борасидаги фикрларини сингдириб юборади. У ўз асарини халқ кўнглидан жой олишини, асари ҳаётини аҳамиятга молик бўлишини, инсонлар асардан ўзларига яраша хулоса чиқаришларини чин дилдан истади. Демак, унинг ёзганлари шунчаки кўнгил бўшатиш учун қоғозга тўкилган дил ғамлари эмас. Шоир ўз устози Навоий айтган:

Одами эрсанг демагил одами,

Ониким йўқ халқ ғамидин ғами – мисраларига муносиб иш тутган. Нишотий достонини ёзишдан устувор мақсади халқнинг маънавиятини ошириш, ортиқча зулм ўтазиб уни талон – тарож этувчи кимсаларга дакки бериб, юқори мансаб эгаларини ҳам адолатга, маърифатга чорлаш бўлган. Ана шу мақсад йўлида шоир ўзининг истеъдодини, инжа қитидорини ҳам номоён қилган.

Нишотий Навоийнинг 15дан ортиқ ғазалига мухаммас боғлади. Ўз ғазалларида ҳам Навоий анъаналарини давом эттиди. Образ яратиш, тасвир, бадиийликда Навоий изидан бориб гўзал кашфиётлар қилди. Баддий санъатлардан фойдаланишда ижодининг салмоқли қисмида ҳарфий санъатлардан фойдаланиш кузатилади. Масалан, бир ғазалида шоир **“алиф” ва “нун”** ҳарфларидан гўзал мисраларни барпо қилади:

Қомату қоши “алиф-нун” и эрур жондин зиёд,

Бордур ул **он** бирла **жонон**, **жоним онинг** садқаси¹⁰⁸

Бу ўринда Нишотий “жон” “он”сиз “жонон” бўлмаслигига ишора қилмоқда. “Он”даги “алиф” ва “нун” эса ёрнинг қоши ва қоматидир. Демак, Нишотий жони ўша жонон билан ҳаёт. Бу каби топилма адабиётимиздаги бошқа шоирлар ижодида кузатилмайди. Ҳазрат Навоий китъаларидан бирида “инсон”нинг “нисо”сиз бўлмаслиги таъкидланади.

¹⁰⁸Расулов Ҳ. Нишотий. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1967, 380-бет

Ўша қитъада ҳам ҳарф санъатидан юқоридагига ўхшаш бир тарзда фойдаланилган эди.

Диссертация бўйича умумий хулосаларимизни хусусий равишда қуйидаги тизимда тартиблаштирдик:

1. Нишотий – ўз даврининг етук ижодкори, шу билан бирга ўз даврида эпик шеърятда ҳам оригинал асар ёзган ягона шоир.

2. Нишотийнинг “Ҳусну Дил” достони “Хамса” асарларидан таъсирланиб ёзилган, аммо фақат сарё баҳрида ва ягона сюжет асосида. Шунга кўра бу асарни ўз даврининг “Хамса”си дейиш мумкин;

3. Асар олимларимиз таъкидлаганидек, оригиналлик учун ягона воқеалар тизимида ёзилмаган, бунинг сабаби сиёсий-ижтимоий муҳит ва XVIII асрдаги маънавий эҳтиёж. Нишотий асари тезроқ халққа етиб бориши учун асрини шу талқинда ёзган, зеро буни ўзи ҳам асарида таъкидлайди.

4. “Ҳусну Дил” достони ўз даврининг ягона аллегорик тимсолларга эга бўлган асари.

5. Достондаги айрим образлар бугунгача нотўғри талқин қилинган. Нишотий достонидаги образларни икки тоифага ажратиш билан бирга асарда тасвирланган мамлакатларни ҳам икки хил тасвирлайди. Фуод ватани бўлган Ақлшоҳ мамлакати билан Нишотий ўзи яшаб турган муҳитни, Ҳусн ватани ҳиобланган Ишқшоҳ мамлакати мисолида ўзи орзу қилган ҳаётни тасвирлайди.

6. Нишотий асарида Халқ оғзаки ижодига ва Хоразм шеваси элементларига ўз аарида кўп ўринларда мурожаат қилганки, бу жиҳати билан ҳам достон “Хамса” асарларидан фарқланади.

7. Нишотий Навоий каби комил инсонни яратишни орзу қилди. Лекин бу орзусини кўпроқ аёл қаҳрамон бўлмиш – Ҳусн орқали ифодалади.

8. Навоий “Хамса” сидаги Фарҳод ва Нишотийнинг “Ҳусну Дил” асаридаги Фуоднинг туғилиш, вояга етиш жараёнлари бир-бирига

жуда яқин, сеҳрли тилсимот олдида ожиз қолиш каби сюжетларда ўхшашликлар кўп, аммо иккала шоирнинг бадиий салоҳиятидан келиб чиқиб, тасвирларда фарқ бор. Иккинчидан, бу бош қаҳрамонлар олдида деярли бир хил тўсиқ бўлгани билан уларни енгишда турлича йўлдан борадилар. Нишотий қаҳрамони ўз дўсти кўмагидан фойдаланади.

9. Нишотий, Навоийнинг Шопур тимсолига яқин бўлган Назар образи орқали мамлакат ҳукмдори ёнида ишончли инсонлар бўлиши керак, деган ғояни ифодалаш мақсадида ўз асари қаҳрамони Фуодни атайлаб Фарҳоддан фарқли тасвирлайди. Бу билан у ўз давридаги ҳукмдорларга сабоқ беришни кўзлаган бўлиши мумкин.

10. Нишотий атрофидаги иғвогарларга кулоқ солувчи Ақлшоҳ образида ўз замонасининг ақлсиз ҳукмдорларини тасвирлайди. Жумладан, Нишотий Бухорога кўчиб кетгунга қадар, XVIII асрнинг 30 йилларидан 70 йилларигача Хива хонлиги тахтида тайинли ҳукмдор, хон бўлмаган, уларнинг кўпчилиги қўғирчоқ хонлар эди.

11. Нишотий лирикасидаги мухаммаслар ижодининг илк босқичида яратилган, шу боис ҳам уларда замонасдан нолувчи мисралар ка учрайди.

12. Шоир ғазалларида образ, бадиият, мавзу бўйича Навоийга эргашиб ёзилган ғазаллар кўп бўлса-да, шеърларида оригинал топилмалар, санъатлардан фойдаланишда ўзига хос маҳорат ва фикр билдиришда новаторлик кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Хусн ва дил” лирика. Тошкент: Ғ.Ғулом, 1967 нашрга тайёрловчи: Ҳолид Расул
2. Нишотий ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент: 1960
3. Муборак мактублар Тошкент: Ғ.Ғулом, 1987
4. М.Қосимова Муҳаммадниёз Нишотий. “Фан” нашриёти 1987 й.
5. Абдуллаев В. Хоксор ва Нишотий 1967 й.
6. Абдуллаев В. Сайланма. : Ғ.Ғулом, 1987
7. Эркинов С. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достони ва уни қиёсий ўрганишнинг баъзи масалалари: Филол. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссерт./А.С.Пушкин номидаги Тил ва Адабиёт ин-ти; Илм. маслахат. Ҳ.Арасли.-Т., 1974.- 376 в Библ. В. 358-376.
8. Маматқулова Х.А. Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” , Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” асарларининг қиёсий тадқиқи: филол. фан. номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати / СамДД .-Самарқанд, 2009.-24 б.
9. Муллаҳўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги: (“Бадоеъ ул-бидоя” девони мисолида) : Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати.-Т., 2005.- 26 б.
10. Муртозаев Б.Х. Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” ва Хусрав Деҳлавий “ Ҳашт беҳишт” дostonларининг қиёсий таҳлили: Филол. фан. кандидати илмий даражасини олиш учун ёзилган диссерт./ Низомий номидаги ТДП ин-ти; Ойбек номи Термиз Давлат ун-ти; Илм. раҳбар: Н.М.Маллаев.-Т.: Термиз, 1991.-211 б. Библ. Б.188-210.

- 11.Муҳиддинов М.Қ. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси: (“Хамса”ларнинг биринчи достони асосида): Филол. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссерт.(А.Навоий номидаги Адабиёт ин-ти .-Т.,1995.-287 б. Библ. Б.269-287
12. Қаюмов А. “Фарҳод ва Ширин” сирлари: Ўзгулик ва севгини улуғловчи мотивлар.- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.-168 б.
- 13.Қаюмов А. “Ҳайратул-аброр” талқини: Ижтимоий-фалсафий мотивлар. - Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.-156 б.
14. Абдулҳаким М. Лаҳзадаги мангулик:[А.Навоий ижодиёти хусусида] // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2001.-1 янв.
- 15.Акромова С. Алишер Навоий асарларида комил инсон талқини // Халқ таълими. – 2009. – № 4. – Б. 115–117
16. Алимбеков А. Маъводек чексиз наво // Халқ сўзи.-2009.-7 февр.- 568 йиллигига.
17. Алимбеков А. Ғазал мулкининг султони // Ма’рифат.- 2006/- 8 февр.
18. Vohidov R., Eshonqulov H Alisher Navoiy –adabiyotimizning milliy iftixori // O’zbek mumtoz adabiyoti tarixi : (Eng qadimgi davrdan XVI asr oxirigacha): O’quv qo’llanma.-Б.197-246.
19. Vohidov R., Eshonqulov H Alisher Navoiyning nasriy asarlari // O’zbek mumtoz adabiyoti tarixi : (Eng qadimgi davrdan XVI asr oxirigacha): O’quv qo’llanma.-Б.407-438.
20. Иброҳим Ҳаққул. Навоийга қайтиш // Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур: Эсселар ва адабий танқидий мақолалар.- Т.,2007.-Б.109-160.
21. Иброҳим Ҳаққул. Теранлик садоси: 559 йиллигига// Тошкент оқшоми.-2000.-7 февр.
22. Комилов Н. Ишқни оловлантирган сув //Ёшлик.-1987.- № 2.- Б.68-70.

23. Комилов Н. Навоий ва замонамиз // Жаҳон адабиёти.-2001.-№ 1.-Б.6-18.
24. Комилов Н. “Неки олами куброда бор – олами суғрода бор” : // Ўзбекистон овози. – 2005. – 8 февр.
25. Комилов Н. Одамийлар одамийси // Моҳият.- 2006.- 22 сент.
26. Комилов Н. Сўнмас ёғдулар //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 1990.- 16 нояб. Навоий ижодининг О.Матжон ижодига таъсири
27. Комилов Н. Тимсоллар тимсоли: (А.Навоий меросининг талқини) //Ёшлик.- 1987.- № 7.- Б.70-73.
28. Мажидий Р. Навоий ва Хоразм адабий муҳити //Адабий мерос- Т.,1968. – № 1. - Б.31-34
29. Матназар Абдулҳаким. Дийдор арафасида: Шоир Алишер Навоийнинг ижоди ҳақида //Ёшлик.-2001.- № 3-4.-Б. 1-3.
- 30.Матназар Абдулҳаким. Лаҳзадаги мангулик: Навоий гулшани // Ўзбекистон адабиёти ва санъати
31. Муҳиддинов М. Ҳақ сўзини элга қилурда...: Навоий ижодида Нақшбанд ғоялари// Ёшлик.-1995.-№ 1.-Б.39.
32. Мўминова В. Навоий ва Муқимий //Ўзбекистон маданияти.- 1967.-10 июнь. Навоий қарашларининг Муқимий ижодига таъсири.
- 33.Мўминова В. Устод ижоди- илҳом чашмаси: (Аваз Ўтар лирикасида Навоий традициялари)// Тошкент ҳақиқати.-1973
34. Норматов У. Шеърятда сеҳр соҳиби...// Норматов У. Ижод сеҳри.-Т.,2007.- Б.127-135.
- 35.Норматов У. Шоир табассуми //Норматов У. Ижод сеҳри.-Т.,2007.- Б.162-172
36. Орипов А. Барчага баробар меҳр // Халқ сўзи.-2009.-7 февр.- 568 йиллигига.
37. Орипов А. Бебаҳо мактаб // О'zbekiston adabiyoti va san'ati. – 2010. – 5 февр.

38. Орипов А. Навоийни англаш // O'zbekiston adabiyoti va san'ati.
– 2007.–9 февр.; Орипов А. Қуёш бекати: Шеърлар. Мақолалар.
Сухбатлар. Таржималар.-Т.,2010.-Б.250-253.
39. Орипов А. Рухият паҳлавони: Навоий ижоди ҳақида // Орипов
А. Қуёш бекати: Шеърлар.Мақолалар.Сухбатлар.Таржималар.-
Т.,2010.-Б.289-291.
40. Орипов А. Яхшилар ичра Ватан: Таваллудининг 559
йиллигига //Ўзбекистон овози.-2000.-10 февр.
41. Холиқов А. Навоий асарларидаги идеал образларда одоб ва
ахлоқ масалалари // Хал Шамсиев П. Навоийнинг насрий асарлари
//Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар.- Т., 1986.-
Б.44-68. қ таълими.-2008.- № 3.- Б.83-85.

Internet adabiyotlari

1. www.ziyonet.uz
2. www.ziyouz.com
3. www.gov.uz